





НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

ЯХШИЛИК
ДЕБ
ЯШАЙМАН

Шеърлар,
қўшиқлар



Ўзбекистон ЛССМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

1987

Нарзуллаев Нормурод.

Н 25 Яхшилик деб яшайман. Шеърлар, қўшиқлар.— Т. «Ёш гвардия». 1987.— 176 б.


Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев (Нарзий)нинг янги китобига кейинги йилларда ёзилган она юрт меҳри, севги ва ёшлик завқларини тараннум этувчи шеърлари ҳамда лирик қўшиқлари жамланган. Улар Сиз, азиз шеърхонлар қалбига яқин бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Нарзуллаев Нормурад. Живу для добра: Стихи, песни.

Ўз2

Н $\frac{4702570200-88}{356 (04) 87}$ 63—87

© Издательство «Ёш гвардия», 1987





ЯХШИЛИК ДЕБ ЯШАЙМАН!

Эзгуликка шошилинг!

Гёте.

Яхши кунни саҳаридан кутдим мен,
Тонг келтирган хабаридан кутдим мен,
Ҳаёт завқин сафаридан кутдим мен,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!


Дўст қадрини вафосидан билдим мен,
Ишқ жабрини жафосидан билдим мен,
Қалб зарбини хатосидан билдим мен,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

Гул атрини уфоридан англадим,
Тикан заҳрии озоридан англадим.
Ошиқ дардин дил зоридан англадим,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

Ул чаманмас — дола, гули бўлмаса,
Ул масканмас — гар булбули бўлмаса,
Ул Ватанмас — шоир ўгли бўлмаса,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

1984.

БАТАН УФҚЛАРИ





ЁРУФ ҚУН

Биз тонгни уйғотдик куй-қўшиқ бўлиб,
Шафақни олқишлаб, кулди қуёш ҳам.
Қўхликлар кашф этди ёғдуга тўлиб,
Гўзаллик қўйнида ям-яшил олам.

Буюк Ленин номин дилда ардоқлаб,
Қулоқ тутиб виждон, кўнгил майлига.
Эл-юрт муҳаббатин, ишончин оқлаб,
Чиқар доно халқим меҳнат сайлига!

Бу имон, эътиқод Ильичдан сабоқ,
Қон ичра кўпирар Қизил шанбалик.
Коммунистик меҳнат — умрга маёқ,
Йўқ, кетмас лоқайдлик, кетмас тапбаллик!

Билар она ўлкам, гўзал Тошкентим —
Шарқона ҳашарнинг хосиятини.
Дўст қўли, мадади — мустаҳкам, метин,
Синадик дўст қадрини, оқибатини.

Юраклар қатида ўтли ҳайқириқ,
Аср нидосидай сўнмас аланга.
Чаманга айланар чўл, саҳро, қўриқ,
Қалбимиз бахшида азиз Ватанга!

Кўклам келинчаги — амалда Ҳамал,
Ер нафас олмоқда, қуёшли осмон.
Инсон меҳнатига қўймоқда ҳайкал,
Ойдин бу фаслни эъвозлар замон.

Уроқ ва Болғамиз қудрати аён,
Ғалаба тонглари нузли, бегубор,
Меҳнат байрамида қалби намоён,—
Музаффар инсонга гул тутар баҳор.

Умр бахтли ўтсин,—
Ёруғ кун масрур,
Ботир елкаларга муҳтож бу олам!
Қора кун шарпасин улоқтир мағрур,
Жаҳон тақдирига масъулсан, Одам!

1985

ВАТАН УФҚЛАРИ

Буюк «Аврора»нинг асрий салюти
Янги замонга солгандир асос!
Ҳуррият қуёши, Ер, Сулҳ декрети
Инқилоб, Лениндан бизгадир мерос.

Ҳаёт сабоқлари босган изларим,
Умрим сардафтарин зарварақлари.
Оппоқ кабутарлар — туйғу, ҳисларим,
Оламни ардоқлар кўз қароқлари.

Азиз Ватанимнинг ҳаётини йўли,
Йиллар ва йўлларнинг сарҳисобидир.
Довон, чўққилардай етук камоли,
Авлодлар нидоси қалб хитобидир!

Беш йиллик баҳори — асрий бир орзу,
Тинчлик йили бугун иш боши — саркор.
Шуҳрат китобига виждонлар кўзгу,
Ҳаёт биносига меҳнат пойдевор!

Заводлар гудоги халқим уйғотар,
Ишчи ҳазратларин толмас қалблари.
Уроқ ва Болғалар толе яратар,
Тақдирга ҳамоҳанг меҳнат зарблари.

Пахтакор деҳқоннинг қадоқ қўллари
Битмиш дастхатини она тупроққа.
Пешона теридан ойдин йўллари,
Талпиниб яшайди нурга-чироққа.

Меҳнат шукуҳидан умр файзиёб,
Равшандир умидлар, ёруғдир кунлар.
Инсон жумбоқларга топади жавоб,
Аланга олади сўнмас учқунлар.

Озодлик ороли — баҳодир Куба,
Кимгадир ёқмаса — бизми гуноҳкор?
Кимдир Анголадан излар насиба,
Истар Никарагуа бўлмоғин абгор...

Савр инқилоби — Афғонистондир,
Қўшнига қўл бермоқ — инсоний бир бурч.
Рўшнолик душмани, лек, зимистондир,
Саробга ишонган умр эрур пуч!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бор,
Бордир минбарлари, улуғ зотлари.
Ҳақ-ҳуқуқ, эркинлик ҳақда баҳс борар,
Тарқалар оламга баёнотлари...

Кошкийди тузилса бу жаҳон аро
Бирлашган Виждонлар Иттифоқи ҳам.
Ушанда равшанроқ бўларди дунё,
Яшиллик қўйнида куларди олам!

Тинчлик голиб келур, ўлимни енгар,
Омонлик йўлида қадлар дадил, тик!
Дунё қисматига бизлар жавобгар,
Ахир, биз, Инсонмиз, ерда туғилдик!

1985

ҚУЁШИМ ЗАРРАЛАРИ

Октябрнинг ёғдусидан равшан бу олам,
Қуёш тутар камалакни айлаб гулдаста.
«Аврора»нинг наърасидан отди субҳидам,
Оппоқ тонглар кулгусига жонлар вобаста.

Бир тонг, бир бонг янглиғ келди инқилоб,
Доно Ленин даҳолиги, башорати — бу!
Она тарих савол бериб, олди ҳақ жавоб,
Инсон ақли, заковатин жасорати — бу!

Эрк, ҳуррият шабадаси тегди кўкракка,
Ҳақ-ҳуқуқин таниб олди ерда инсонлар.
Кўтарилдик ердан кўкка-шундай юсакка,
Кўрмагандик бундай кунни ўтиб замонлар.

Фазолардан садо берар овозларимиз,
Севгимизнинг ҳаволаган туйғу-ҳислари.
Еру кўкда шуҳрат топди парвозларимиз,
Ҳаёт бўлиб илдиз отар инсон излари.

Инқилобнинг таваллуди — тинчлик демакдир,
«Ер», «Сулҳ» сўзи Октябрдан муқаддас мерос.
Исламадик ғойибдан биз саодат, тақдир,
Бу иқболни ҳадыя этди ленинча ихлос.

СССРим — Планетам, буюк Давлатим,
Шонли Совет оиласи — аҳил Иттифоқ.
Ор-номусим, ишончиму шону шавкатим,
Бошлар узра мағрур порлар алвонранг байроқ.

Чаманзорим Ўзбекистон, Шарқим юлдузи,
Гул Ватаним шодасида олтин маржоним.
Қароғимда айланади дунёнинг кўзи,
Бағрим аро бетакорим қалбим, виждоним!

Олтин чаноқ мўъжизасин билади дунё,
Гўзал Тошкент қардошликка мангу обида.
Октябрнинг шукуҳидан таралган зиё,—
Эрк қуёшим зарралари Бахт китобида!

«Аврора»нинг наърасидан отди субҳидам,
Оппоқ тонглар қулгусига қалблар пайваста.
Октябрнинг ёғдусидан равшан бу олам,
Қуёш тутар камалакни айлаб гулдаста!

1984

БОБОДЕҲҚОН БИЛАН МУЛОҚОТ

Салом, Бободехқон!

Баҳор муборак!

Дерлар: «Яхши йил бу — баҳори билан!»

Ниятлар қалбларда урар гулдурак.

Қалб тирик лафзию қарори билан!

Мақол бор: «Тор келмас маслаҳатли тўн»,

Минг ўйлаб, минг ўлчаб кесган ютади.

Қалбга қўл берганинг қўлидир устун,

Дастхатини деҳқон Ерга битади!

Биз — замин фарзанди,

Ризқу рўзимиз

Она тупроқ билан бутун, баркамол.

Яхшилик-ла қолса Ерда изимиз,

Уримиз серфайзу нонимиз ҳалол!

Ер ҳам инсон мисол олади нафас,

Ер қалбин тинглашга топайлик фурсат.

«Мени асранг!»— дея келар Ердан сас,

Ер тўйса, эл тўяр — шарқона ҳикмат.

Ахир, биз дунёга келганмиз нечун

Заминни қароғда асрай олмасак?!

Ўз тафтин бермаса бу олам учун

У юрак юракмас, совуқ бир кесак!

Ҳеч ким туғилмаган қаҳрамон бўлиб,

Меҳнат бор — шуҳрат бор ҳаётга асос.

Нурдай қадрлидир қуёшдай кулиб,

Ерни улуглаган топажак эъзоз.

Баҳор, байроғидир тоғ долалари,—

Яшиллик элчиси Ерни безайди.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДИ НАСРУЛЛО АМАКИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

— Азизлар,

Минг бора ташаккур сизга,
Илтифотлар учун такрор раҳматлар!
Турмуш ташвиши-да,
Уни-бунни деб,
Биз келсак, бузилар гоҳо навбатлар.

Тўғри,
Жанг қилганмиз, қонлар кечганмиз,
Ўлимдан минг бора ўтганмиз ҳатлаб.
Ҳаёт-мамот учун, Ёруғ кун учун
Битганмиз тақдирни қон билан хатлаб.

Уруш жароҳати — танларда дардлар,
Ҳамон қонлар ичра ўқларнинг занги.
Миннатдор қалбларда акс садо берар
Ғалаба салютини голиб оҳанги...

Бизни мажруҳ сезиб, халоскор билиб
Жойига қўясиз ҳурматимизни.
Сизларга бир умр бошни эгамиз,
Кўзларда асраймиз иззатингизни...

Ахир,
Ҳар нарсанинг бор-да меъёри,
Ута илтифотлар эриш туюлар.
Бурчин ўтагандик Ватанни сўқиб,
Бу — оддий ҳақиқат,
Билар кўнгиллар!
Бир бурда нон учун,
Бир чимдим туз деб,
Бир газ мато дея,
Қултум сув учун —

Ахир, пеш қилинса бизга навбатлар
Юрак изтиробдан ёнмасин нечун?

Ҳали қалбимизда олов сўнмаган,
Хира кўзимизда бордир чўғ, ёғду.
Муҳими —

Юракда эътиқод яшар,—
Биз учун олий, муқаддас туйғу!

Кекса гвардия сафда деб билинг,
Яраймиз, гар бўлса ҳали хизматга,
Азизлар,
бир жойда, фақат бир жойда
Олинса ўтинчлар сал инobatга.

Ленинни кўришга,
Буюк зот ҳаққи,
Неча бор келсак-да, биз зиёратга,
Бироқ,
тонг отардан то шомга қадар
Ризомиз турмоққа тирик навбатга!

1985

ҚУШИҚ ҚАЛБИ

Ҳалимахоним Носировага

Тўхта, булбул, хонишдан бирпас,
Утинчимга бир лаҳза кўнги.
Гул ҳаётим қўшиққа пайваст,
Ноланг билан ишқпараст кўнгил.

Тингла, булбул, куйлар Ҳалима,—
Эл Булоули, ҳаётга ошиқ.
У — қалбларни айлар таржима,
Севгисига бахшида қўшиқ.

Сен гул дейсан, ул дейди элни,
Хониш нима — ўргатади ул.
Гулу нурга буркаб кенг йўлни,
Ениш нима — ўргатади ул.

Қўшиқ саси тутмиш жаҳонни.
Шодлик маржон бўлмиш бўйинга.
Қўшиқ ёниб қучмиш осмонни,
Сайёралар тушмиш ўйинга.

Ул табаррук, қутлуғ қўшиқдир,
Яшар Нурхон, Турсуной қони!
Ул жанговар, улуғ қўшиқдир,
Бор Гулсара, Асал армони!..

Ул қўшиққа ётдир ўқ, милтиқ,
Умри тугаб, топмайди завол.
Ул қўшиққа дунё ҳам интиқ,
Ул қўшиқнинг умри баркамол.

Қўшиқ билан барҳаёт илҳом,
Қўшиқ билан уйғонар саҳар.

Қўшиқ билан фараҳли оқшом,
Қанотида учар хушхабар.

Қўшиқ — чақмоқ, қўшиқ — яшиндир,
Қалбда ўчмас излари қолгай.
Қўшиқ билан ҳаёт шириндир,
Дунё кўрар кўзлари бўлгай.

Ишонаман: умр бебаҳо,
Қўшиғидир инсонга ёдгор!
Қўшиқ қолмас оламда танҳо,
Содиқ қалби — Ҳалимаси бор!

Юрагида, муҳаббатида
Қўшиқ тирик — буюк эҳтиром.
Қўшиғида, қалб дастхатида,
Қолур абад ўзбек деган ном!

Халқим мулки — ноёб санъати,
Эл-юрт учун ул бир жаҳондир.
Ҳалол умри — юрт камолоти,
Мен учун ул Ўзбекистондир!

1984

ЁДГА ОЛ

Умр азал — висол, фироқ
Лаҳзаларни ёдга ол!
Ишқ, вафодан кетма йироқ,
Ғамзаларни ёдга ол!
Ётдир дилга қасос, нифоқ,
Ларзаларни ёдга ол!
«Аср нима? Тақдир нима?»—
Деб сўрашса авлодлар,
Мард Тўмарис, доно Широқ,
Ҳамзаларни ёдга ол!

1986

ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Устоз Уйғунга

Кўкка балқиб чикди ёрқин бир юлдуз,
Юртимнинг осмони чарақлаб кетди.
Юлдузнинг шуъласи чизди қутлуғ из,
Олам сукунатин ичига ютди.

Ғойибдан келмади, тасодиф эмас,
Яралди ўзбекнинг қалб шууридан.
Қонию жонига азал ҳамнафас,
Туғилди шарқона тафаккуридан.

Ул юлдуз ёғдуси кўзларга кўчмиш,
Нур бўлиб товланар чароғимизда.
Муҳаббати билан фазони қучмиш,
Шеър бўлиб айланар қароғимизда...

У ерда туғилди, элимга жондош,
Замину кўнгилга пайванд илдиз-у.
Ойимизга ёндош, қуёшга қондош,
Кўкимиз тоқида Уйғун юлдуз-у!

Шеърят юлдузи билмагай завол,
Халқим ўз кафтида ушлаб турибди.
Яқин бўлсин дея олтин истиқбол,
Шоирим юракдай ишлаб турибди!

1985

ҲАЁТНИНГ БОШИ

Январь шеъри

Ҳар нарса бошланса
бошидан яхши,
Хайрли ҳар ишнинг
бордир давоми.
Бошидан бошланур
Эзгулик иши,
Яхшиликка пайванд
Инсоннинг номи!

Январь бошлаб берар
Янги йилни ҳам,
Оқлик — поклик эрур,
Ярашади қор!
Шунчалар сахийки,
Уктам ва кўркам,—
Бағрида туғилар
Ҳатто гулбаҳор.

Оқ кўрпага ўрар
Она заминни,
Кўмиб тупроқ ичра
Тиниқ туйғусин.
Деҳқонбой толиқди,
Олсин, дер тинни,
Фақат наврўз бузар
Ширин уйқусин.

Қора юракларга —
Қаҳратон қаҳри,
Ёвузлик риштасин
Қирқар қиш музи.
Учсин осмон узра

Тинчлик каптари,
Умидлар боқади
Дунёнинг кўзи.

Унга сўз беради
Фасллар илк бор,
Унга кўтарилар
Биринчи қадаҳ.
Илҳомбахш юракдан
Айтилар алёр,
Яшил арчалари
Сержилло, фараҳ.

Ун икки ботирнинг
Тўнғичи ҳам ул,
Манзил сафарида
Йўлида йўлбон.
Пойига интиқдир
Қўлда тутиб гул,
Баҳор деб аталмиш
Кўзлари чўлпон.

Ҳар гал толе бўлиб
Келгин, Январим,
Севги бўлиб киргин
Қалб қатларига.
Янги йил ҳазили
Ёқар, лобарим,
Розиман, ютқазсам
«Қор хат»ларига!

1982

ИНСОН ГИМНИ

ДОСТОНГА МУҚАДДИМА

(Жобир Навруздан)

I

Бу кун кўп галати
 суръатдадир,
Ер ҳам, само, табиат ҳам
 ҳайратдадир...
Туриш-турмуш ўзгармоқда,
 тафаккур ўзгармоқда,
Дунё ҳақда, борлиқ ҳақда
 тасаввурлар ўзгармоқда.
Юракларни бу кўкракдан
 ул кўкракка кўчирурлар,
Ракеталарни каптар янглиғ
 қўлга олиб учурурлар.
Яхши кунда бир-бирларин
 фазоларда кутмоқ бўлур,
Саҳар чиқиб, оқшом Ойда
 ётмоқ бўлур.
Қатто Марсу Венеранинг
 сири аён,
Ёирли нарса қолмади ҳеч —
 бизга шоён.
Мағрибдан Машрикқа етса бўлар
 бир кунда,
Дунёни зап зиёрат этса бўлар
 бир кунда.
Ҳаракатда коинотнинг
 трамвайи-аробаси,
Икки бориб кўриб келди
 Ойнинг кўҳна харобасин.

Ердан ўзга ҳеч бир ерда
Яшамоққа имкон
йўқдир.
Ердан бўлак ҳеч бир ўзга
Сайёрада
инсон йўқдир.
Инсон қайда, ҳатто сариқ япроқ
йўқдир...
Япроқ қайда, ҳеч бир қуруқ тикан
йўқдир,
Ердан ўзга ҳеч бир умид,
ҳеч бир таянч,
имон йўқдир...

II

Бу кун дунё муассирлик
асридадир,
Муассирлик кўп нарсалар
устидадир —
Сунъий одам яратилиб,
сунъий таом яратилиб,
Сунъий томир, сунъий буйрак,
сунъий юрак яратилиб,
Чамалаб чиқ, бу ҳаётда
аён бўлур, кечар нелар,
Тонглар бугун кўҳна бўлиб,
Янгиланган бугун кунлар...
Бу замонда кексайибди
кўп нарсалар:
Сукротдан Эйнштейнга қадар.
Янгиланар бутун башар
то қуролдан тўрага қадар,
Янгиланар бутун олам
Урандан қўрғошинга қадар,
Улкан-улкан давлатларнинг
туғилишидан,

Кўринмас атомнинг
яралишига қадар...

Ўзгармоқда не-не нарсалар:

Зиндондан калитга қадар,
Қонундан кийимга қадар,
Доридан заҳарга қадар,
Эртақдан ҳикматга қадар,
Бомбадан чечакка қадар,
Ҳаводан таомга қадар,
Қарбондан азонга қадар,
Услугудан вазнга қадар,
Заминдан самога қадар,
Чироқдан қуёшга қадар,
Майдадан каттага қадар,
Олтиндан оҳакка қадар,
Бадавлатдан косибга қадар,
Маслакдан мансабга қадар.

III

Нарсаларнинг суръат ила
ўзгариши давридаман.

Истайманки шеърларимда
Ҳар инсонни инсон санаб,
Ҳар бир шахснинг тиригида
жўшиб ёнган
инсон бўлса...

Миллион йиллар ўзгармаган
туйғуларин васф этолсам,
Бу шеъримни мен уларга
бахш этолсам...

Бу туйғулар ҳар бир шахснинг
энг биринчи паспортидир,
Замонавий асримизда
улар кўҳна бўлсалар ҳам,

Бироқ мудом тиниқ қолган ---
туйғулардир!
Замонавий кашфиётга безак бўлган
туйғулардир.
Миллион ёздир, миллион куздир,
миллион қишдир,
Ер шаримиз шу туйғулар
замирига суянгандир.
Бу туйғулар кимда бўлса,
инсондир ўша,
Башарият бу туйғулар,
йигиндисидир!

IV

Табиат бу дунёда
ҳар бир одам,
Яхши боқсанг, бу оламда
ўзи бир олам!
Оддийгина фаррошнинг ҳам
толеини қалам олиб ёзса агар,
Доҳийларга, даҳоларга
мавзу учун асос бўлар.
Инсон бўлмоқ — энг қудратли,
Энг абадий вазифадир,
Энг камбағал, энг йўқсулу
энг туганмас хазинадир!
Энг кенжаси — улканларнинг
улканидир.
Хунуги ҳам --- гўзалликка
гулчамбардир.
Энг ёши ҳам — туғишгандай,
зўр маҳрамдир,
Энг биллури яна сирли
бир оламдир.
Яна сирли бир ҳаётдир,

Энг соддаси энг мураккаб
 коинотдир.
У ҳамиша тушунчада,
ҳаракатда, ҳаяжонда,
Бутун дунё безанади
 кўзларини у очганда.
Қоронғулик ойдинлашар,
 чекинажак не-не риё.

Тушунчалар — уясидир
 асаларининг гўё.
Ҳар кун эса мингу минглаб
 фикр келар,
 фикр кетар,
Асалари ўз инига
 ўз болини тўкиб кетар,
Ўз дидини, ширасини
 қўйиб кетар,
Ўз рангини, овозини
 қўйиб кетар....
Радар недир асабларин
 олдида,
Бўрон надир ғазабларин
 олдида.
Усиз бутун бу коинот
 бир уйқудир.
Энг ўткир қурол инсон
 муштумидир.
Энг шифоли дори инсон
 улфатидир,
Энг абадий осмон инсон
 кулфатидир.
Энг ҳайбатли музей инсон
 мозоридир.
Энг абадий қувонч инсон
 севгисидир,
 висолидир!

АШХОБОДГА ОШИҚЛИК

Уфқ билмас уфқ шаҳар,
Ошиқ обод — ошиқ шаҳар,
Шоирларга қўшиқ шаҳар,
Ашхободим,

Ашхобод!

Шарқ булбули — Махтумқули,
Билмас хазон чаман гули,
Мен ҳам унинг мафтун-қули,
Ашхободим,

Ашхобод!

Қуёш берар саломини,
Сендан олар илҳомини,
Қалбга битар ўз номини,
Ашхободим,

Ашхобод!

Қутлуғ ери — куй, ғазали,
Тарихи бор кўп азалий,
Етти иқлим бир гўзали,
Ашхободим,

Ашхобод!

Ферузадир самолари,
Дил аллалар саболари,
Кўкни қучмиш садолари,
Ашхободим,

Ашхобод!

Назм шаҳри, ҳикмат юрти,
Меҳр шаҳри, ҳиммат юрти,
Шуҳрат шаҳри, меҳнат юрти,
Ашхободим,

Ашхобод!

Олам айлар сенга ҳавас,
Кремлга қалби пайваст,
Дўстлик билан олар нафас,
Ашхободим,
Ашхобод!

1985
Ашхобод!

СОЧИ СЕВИНЧЛАРИ

(Туркумдан)

САЛОМ, СОЧИ!

Салом, Сочи! Чаманзор дунё,
Оқ соч Кавказ дилбар эркаси!
Қуёш сендан олур ўт, зиё,
Эй, мафтункор тоғлар ўлкаси!

Қора денгиз мовий маржони,
Шафақ билан ўйнашар саҳар.
Нурга тўла кўм-кўк осмони,
Ватанимда мангу ёз шаҳар!

Мудом ўчмас маёқ-чироғи,
Нурафшондир олис уфқлар.
Ошиқларга маскан қирғоғи,
Дилдан дилга кўчар қўшиқлар.

Мағрур сузар елкан, катерлар,
Тезлигига мезондир овоз.
Бунга гувоҳ мазкур сатрлар,
Ярашади ёшликка парвоз!

Охун тоғи бошида папоқ,
Боқийликдан сўйлар афсона,
Яшилликдан беради сабоқ,
Сийнасида сирли хазина.

Яшил камар — пойида Чура¹,
Оби-ҳаёт минг дардга шифо.
Акс садодан уйғонар дара,
Ёғду улар қуёшли само.

¹ Ч у р а — дарё номи

О, Мацеста¹, сенга гулдаста!—
Оташли сув — замин вулқони.
Ишқинг, қалбинг Ерга пайваста,—
Тирикликнинг тани ва жони!

Муҳаббатим, тоғли гўзалим,—
Сув парисин олтин сочисан!
Қалбда қолган қўшиқ, ғазалим,
Тақдиримга туташ Сочисан!

«Хайр!» дейишга келади малол,
Сен тилимда «Салом!» бўлиб қол!
Соғинсам гар, эй, соҳибжамол,
Юрагимда илҳом бўлиб қол!

1983

Сочи

¹ Мацеста — оташли сув демак.

ДУСТЛИК ЭЛЧИЛАРИ

*Сочида магнолия дарахти дўстлик,
тинчлик, мангулик рамзи сифатида
юксак қадрланади.*

Таржиман ҳоли бордир бу боғнинг,
Бордир ҳар кўчатнинг исми-шарифи.
Дастхат-номаси бор катта чорбоғнинг,
Олисларга кетган шуҳрат-таърифи.

Ҳар дарахт тарихин сўзлайди йўлбон,
Қачон, ким ўтқазган — барин изоҳлар.
Вужудлар — қулоғу, қалблар — таржимон,
Ўй суриб тинглайди абжир сайёҳлар.

— Бу... президентдан хотира, ёдгор!
— Бу кўчатни эккан Юрий Гагарин....
— ...Давлат арбобининг бунда қўли бор...
Едакай варақлар чорбоғ дафтарин.

Қуёш илк саломин қилмайди канда,
Замин муҳаббати яшнар қулф уриб.
Қардошлик қўшиғи янграр чаманда,
Жўр бўлар инсонлар оёққа туриб.

Чаманзорни кезиб, ўй ичра толдим,
Дилдан шеърга солиб севинчларимни.
Севиб, қутлаб, бунда бир оқшом қолдим
Дўстлик, Тинчлик Элчиларини!

1983
Сочи

ҚИРҒОҚДАН СҮРА

Дединг: «Кутгил соҳилда, дўстим!»
Соҳил сирин тошлоқдан сўра.

Изтиробда қолдирдинг жоним,
Юрак мисол япроқдан сўра.

Сен ҳам мендай эдингми хуштор,
Тунни қувган чироқдан сўра.

Ошиқ қалбим билмоқчи бўлсанг,
Учрашувни овлоқдан сўра.

Ёр дийдори шунча мушкулми,
Васл ғаними — фироқдан сўра.

Ширин ҳаёт, умр лаззатин,
Иссиқ бўса, қучоқдан сўра.

Сени кутдим тонггача бедор,
Ишонмасанг, қирғоқдан сўра.

1983

МЕНГА ҚИЛДИНГ НАЗЗОРА

Қайданам сен менга қилдинг наззора,
Ут қараш-ла ақлим олдинг, Гулнора.

Энди сенинг ишқинг билан ёнгайман,
Жон-жигарим этдинг, зебо, юз пора.

Шу кунларга тушишимни билсанг, ёр,
Нечун бундан этмадинг сен ошкора.

Кўзим олди кўзларингдан чўғ, оташ,
Маҳтал эдим, ҳеч қилмадинг ишора.

Сендан кўнгил узмоқ истаб уринсам,
Ишқ дардига тополмадим ҳеч чора.

Унутаё деб ўзни солдим ҳар куйга,
Бироқ меҳрим оташ олди тобора.

Ҳусн бобида бетакрорсан, рухсорам,
Рашк этмишлар ҳаттоки Ой, сайёра.

Етти иқлим кездим, топмадим асло,—
Сендай нозик, сендай сулув дилдора.

Висолингдан дариг тутма Нарзийни,
Бу оламда бўлмай яна овора.

1983

БИР ОЛМАХОН ҚИСМАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Урмон маликаси эди Олмаҳон,
Жониворлар эркаси эди Олмаҳон,
Нафс деган қурғур жуда кўп ёмон,
Ўзига қаратиб, ром этди инсон.
Бугун битта ёнғоқ ёхуд данакка,
Ўйинга тушади ҳатто эрмакка.
Елкадан елкага сакраб, ғоз турар,
Болалар кафтида бемалол юрар,
Дарахтнинг учида юрган Олмаҳон,
Ўз майли-кучида юрган Олмаҳон.
Урмон ичра унинг кўрки йўқ энди,
Бировга тобедир, эрки йўқ энди.
Қимки ўз нафсини тиймаса, шу дам
Тузоққа тушди денг, ўзгага қарам!

1983

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Ана, учта арча қоя устида
Чуқур илдиз отмиш, ёзиб қулочин.
Шамолда чайқалар дадил, осуда,
Қанотин силкитиб, учмоқда лочин.

Осмонга теккудай яшил елкалар,
Ёнма-ён, бир сафда, қурмиш ошиён.
Узлигин йўқотиб, санқир кўлкалар,
Арчалар ҳамнафас, қуёш қўриқбон.

Кўкни тилим-тилим айлар елдим,
Бўридай бўкирар, қутуриб бўрон.
Ёзнинг саратони, қишда изгирин,
Кўклам шўхлигига кўксидир қалқон.

Чайирлиги мисли ишчи қўллари,
Оғайни ботирлар елкадош, ёндош.
Бош узра табиат сочмиш гулларин,
Теран томирларки, заминга туташ!..

Ана, учта арча қоя устида,
Чуқур илдиз отиб, ёзмиш қулочин.
Шамолда чайқалар дадил, осуда,
Қанотин силкитиб, учмоқда лочин.

Ботир арчаларга келгач юзма-юз,
Аччиқ ўй қалбимни, оҳ, парчалади,
Уларнинг ёнида кўрмадим, афсус,
Меросхўр, издошлар — ёш арчаларни!

1983

ИШҚИМГА МЕН ДЕМАМ «АЛВИДО!»

Ишқ-муҳаббат ёш танламайди:
У баробар кексаю ёшга.
Ҳар юракка кирур ишқ дарди,
Севги ўхшар олтин қуёшга!

Кимга барвақт, кимгадир кечроқ —
Кимга пайсал солиб келади.
Гоҳо висол, гоҳида фиरोқ,
Гоҳ саодат олиб келди.

Кимки «севгим кечиккан» деса,
Муҳаббатнинг гуноҳкори — у.
Ким ниҳолни кеч эккан бўлса,
Гўр меванинг сабабкори — у.

Ишқни нур деб суртса кўзига,
Ким севгига айласа тавоф,
Ҳайкал қўяр бахт юлдузига,
Муҳаббат-ла умри файзиёб.

Ишқ вафони тан олар фақат,
Садоқатдир ёлғиз таянчи.
Душманидир лекин хиёнат,
Ошиқ кўнгил — буюк ишончи!

Ёшлик мени тарк этсин майли,
Қўлларимга тутса ҳам асо,
Одам бўлдим ишқим туфайли,
Йўқ, севгимга демам «Алвидо!»

1983

ҚҰЛТИҚТАЕҚЛИЛАР

Бир оёқда,
Қўлтиқтаёқда
Боғ сайрига чиқади наҳор.
Тез юрмоқлик дейсиз қаёқда,
Бошларига қўнган оппоқ қор.

Тортмиш уни хаёл оғуши,
Юрагида инграр мунгли тор.
Бир-бир ўтар жанггоҳ кечмиши,
Тарк этмаган кўзидан виқор.

Олис юртда қолди оёғи,
Танасида занглаган ўқлар.
Ҳаловатин бузар қийноғи,
Ларза солар дағдаға, дўқлар.

Мовий кўкдан кўзларин олмас,
Яшил олам нигоҳида ғарқ.
Киприкларин мисоли олмос,
Ҳаёт бўлиб айланади чарх.

Бир оёқда.
Қўлтиқтаёқда...
Утган-қайтган унга қарайди.
Умид узиш дейсиз қаёқда,
Юрт кунига қалби ярайди.

«Чўлоқ чол» деб бермангиз озор,
Кўнгилларин айламанг мажруҳ.
Ҳа, уларсиз бу дунё абгор,
Таомимиз бўларди макруҳ.

Жангчи борки имони бутун,
Қалбан улар ҳаёт мафтунни.

Иродаси бамисли метин,—
Улар асли олам устуни!

Керак бўлди, оёгин берди,
Ватаним, деб тутди кўксини.
Керак бўлса берар муқаррар
Юрагини, икки кўзини.

1983
Сочи

СЕН ҚУТГАН УМИД

Оқ наҳордан то шомга қадар
Туриб қолдинг денгиз қошида.
Бир — соҳилу, бир — сен, эй дилбар,
Ғарқ чўмилиб ўй оғушида.

«Хайр!» дейишга тилинг бормайди,
Толеингни топдинг қирғоқда.
Денгизнинг ҳам бор эди майли,
Қани висол?! Сенсан фироқда.

Икки дельфин ёнингда узоқ
Сувда ўйнаб, беришди таскин.
Чайкаларга ётоқдир қирғоқ,
Хайёлларинг бўлмади таслим.

Сочларингни силаб қолдинг лол,
Йўқ, соҳилдан кетгинг келмади.
Олиб кетмиш олисга шамол
Зор умидинг — эпкин келмади.

Кароматга йўқ эди ҳушинг,
Қалбинг ройиш бермас таъзимга.
Эгмагандинг иримга бошинг,
Ул кун аммо олди азмига.

Қучмоқ бўлиб яна денгизни,
Чўчиб, унга танга ташладинг.
Ҳижрон ичра йўқотиб ўзни,
Қалбинг қалқди, кўзинг ёшладинг!

1983

ГУЛ БАҲОНА...

Юрак чалмиш севги созини,—
Қурмиш севги қалбада ошиён.
Сен гул билан дилинг розини,
Изҳор этмоқ истадинг, жонон!

Сен қолдирган алвон ранг гунча
Қулиб боқди, очилди паққос.
Интиқ эдинг, кутдирдинг бунча,
Оқ қоғозга оқди эҳтирос!

Наҳот сенда топилмас журъат?
Олиб қочдинг мендан рухсоринг.
Мен деворга қоқилган сурат,—
Лол кутади мен интизоринг.

Дейдиларки, гул — бу кўнгилнинг
Қалбга кўчган таржимонидир.
Етмоқ фарздир қадрига гулнинг,
Ул ошиқлар ҳаяжонидир!

Гул баҳона — ғанимат дийдор,
Қабул этдим юрак элчингни.
Лек оромим йўқолди, дилдор,
Олиб кетдинг эрким, тинчимни.

Очилишинг кутардим майли,
Гунча бўлиб турсанг қошимда.
Оқ бошимни эгдим, о Лайли,
Ун саккизим, севги ёшингда!

1983
Сочи.

ДЕНГИЗ ПАРИСИ

Сув бўйида бир қизни кўрдим,
Хусн-кўрқда тенгсизни кўрдим.

Сув париси бунчалар хушрўй,
Мен чўлпонни-юлдузни кўрдим.

Ўз қошига имлаб чорлади,
Ёр ёнида мен ўзни кўрдим.

Сийнасига қўйдим бошимни,
Ял-ял ёнган қундузни кўрдим.

Қучмоқ учун чўзсам қўлимни,
Қўйним аро денгизни кўрдим!

Ёр шаънига куй чалмоқ бўлсам,
Оппоқ қоғоз, қўбизни кўрдим.

Тушларимда илхом парисин,
Унгимда, ёр, мен сизни кўрдим.

1983

Сочи.

ОҚ ЙУЛ, «ЎЗБЕКИСТОН»!

*Одессадан «Ўзбекистон» теплоходи
сафарга йўл олди.
(Газета хабаридан)*

Оқ йўл, «Ўзбекистон»!

Улкам элчиси,

Элим саломини дўстларга етказ.

Сузсанг, қанот бўлсин юрак севгиси,

Қалом, эҳтиромин дўстларга етказ!

Сени кузатганда, этдим тасаввур,

Она юрт тупроғин чақмоқ бўлагин.

Қалбимга қуюлди сабуҳий сурур,

Қувончдан қалқиди мурғак юрагим.

Ўзбек дўпписини қўндириб бошга,

Менинг деҳқон халқим кутарди сафар.

Муҳаббати тенгдир олтин қуёшга.

Нияти ҳамиша оппоқ кабутар.

Синглим Зубайдахон, укам Илёсжон,

Жумақул бригадир, иним Баҳриддин.

Бахтли умрингиздан ҳавасда жаҳон,

Сизларни кўрганда яйрар баҳри-дил.

Ипак йўлларингиз оқ пахтадандир,

Кўнглингиз оқлиги чехрадан аён.

Ширмойи ёпгандан бўшамас тандир,

Нон билан сафарга йўл олар инсон!

Қора денгиз аро сузиб беармон,

Сакраб ўтиб уммон довулларини.

Қайтганда кутайлик гул тутиб шодон,

Соғиниб Сирдарё овулларини.

Келинг, танишайлик, ўртоқ капитан,
Бу дам менинг кўнглим мойил назмга.
Илк бор учрашувдан сизга бердик тан,
Ҳурмат бажо айлаб келдик таъзимга.

Оқ йўл, «Ўзбекистон»!
Тинчлик элчиси,
Элим саломини дўстларга етказ.
Сузсанг, қанот бўлсин юртим севгиси,
Қалом, эҳтиромин дўстларга етказ!

Шарқ бўлиб жўнадинг Ғарб сари, бу рост,
Етказ Оврупога Осиё сасин.
Қанотли қўшиқ бўл, ракета эмас,
Ҳаёт бўлиб ҳайда ўлим балосин!

Манзилда муродинг бўлсин деб ҳосил,
Сафарга кузатди тирбанд соҳиллар.
Ватан фарзандлари танти, мард, асл,
Қалб бўлиб, кўзда ёш силкинди қўллар.

Хайр, «Ўзбекистон»!
Дўстлик элчиси,
Манзилу сафаринг бехатар бўлсин!
Ой бориб, омон қайт!—
Бу — дил туйғуси,
Кутиш соатлари тонг отар бўлсин!

1983.

ҚАЛБИМ КАЛЕНДАРИ

Юрак календарин
Яратмоқ — орзум!
Бул эрур ҳаётдан
Шогирдлик қарзим:
ЯНВАРДАН —
Яхшилик бўлса бир мерос,
ФЕВРАЛДАН —
Фароғат умрга асос.
МАРТ ОЙИ —
Муҳаббат, садоқат, васл,
АПРЕЛЬ БУ —
Адолат тугилган фасл!
МАИ БУ —
Малоҳатдир, табиат кўрки,
ИЮНДА —
Илҳомдай саратон эрки.
ИЮЛДА —
Имонга таянар виждон,
АВГУСТДА —
Армонда қолмаса инсон.
СЕНТЯБРЬ —
саховат, олтин куз демак,
ОКТЯБРЬ —
Оқибат, ширин сўз демак.
НОЯБРЬ —
Нафосат мулкига жавоб,
ДЕКАБРЬ —
Дўстликдир йилга сарҳисоби!

Дўстлар
Сизга интиқ бир давра — гурунг,
Қалбим календарин
Варақлаб кўринг?!

1982



МЕНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАМ





ҲАЁТ ҚОНУНИ

Бор ҳаётнинг одил қонуни,—
Қонунига бўйсунар, холос.
Ўз ҳукмида таъкидлар шуни:
«Яшаш ишқи — умрга асос!»

Бордир юки, юмушлари бор,
Тонглари бор, тўзонлари бор.
Қувончлари, ташвишлари бор,
Бор ўз ўқи, ўзанлари бор.

Ҳаёт бир йўл, қайрилиши бор,
Гул тутиши, ўқ отиши бор.
Висоли бор, айрилиши бор,
Муруввати, йўқотиши бор.

Ҳаёт шундай шонли оламки,
Саҳроси бор, гулшанлари бор.
Ҳаёт шундай жонли одамки,
Қалбида қор, гулханлари бор.

Ҳаёт қолмас бир жойда тўхтаб,
Билмас фақат ҳаловатни у.

Душманидир баҳона, сабаб,
Ҳаракатни тан олар мангу.

Ҳаракатда — ҳаёт карвони,
Ишонч, имон ғилдирагидир.
Муҳаббати — сўнмас армони,
Ҳарорати ўт юрагидир!

1984

МЕНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАМ

Дўстим Наримон Ҳотамовга

Буюк Архимедга айлаймиз таъзим,
Улуғ даҳосига бошни эгамиз.
Ақлу-шууридан бу Момо Ернинг
Таянч нуқтасига бизлар эгамиз!

Ўз қонуни бор азал борлиқнинг,
Ернинг тортиш кучи тортиб туради.
Мени-чи,
Ўзига тақдирим бўлиб,
Дўстларим дийдори тортиб туради.

Ҳаётнинг негизи — муҳаббат асли,—
Севги билан боқий ёруғ бу дунё!
Дўстликсиз умрни умр демасман,
Не кечар ҳол қуёш сочмаса зиё?!

Содда, самимийдир юрак сўзларим,
Умрим фалсафасин, о, қалбим, билдир,
Менинг таянч нуқтам Ерда дўстларим,
Ҳаётда кашф этган давлатим шулдир!

1984

ЮРАГИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Уйлар ичра гоҳо
Қолганда танҳо,—
Хаёл оғушига чўмаман.
Ўз-ўзимдан олиб инжиқ имтиҳон,
Қалбимни,
Ўзимни саволга кўмаман:
«Эй, қалбим,
Айт, нечун келдинг дунёга,
Сени тукқан онанг сендан розими?
Умринг ўрадингми оташ, зиёга,
Қачон изҳори дил этди розини?
Сен ҳам қуёш янглир
Е сахиймисан,—
Эллар, юртлар аро улашиб ёғду?
Кимнинг ташвишини,
гамини ейсан,
ҳожатни чиқариб, тарқатиб кулгу?
Олам қил устида турганда,
қалбим,
Сени совуқ ғафлат босмасин асло!
Дақиқа аталмиш буюк неъматни
ғанيمات бил,
асра,
эт ўзни фидо!
Нопоклик тўсади йўлларингни гоҳ,
Еғар бошларингга бўҳтон балоси.
Ҳалол нигоҳларинг айлагил паноҳ,
Устун тут назаринг!
Шудир жазоси!
Дўст бўл ўзинг билан,
виждонинг билан,
Этма ўзлигингни садпора, бадном.
Фахр айла бисотинг —
имонинг билан,

Виждонингни сотма!
Инсон — ноёб ном!
Шон-шуҳрат тожини ўйлама, ошнам,
Бировлар дўпписи мудом тор келур!
Балким насиб этар шоҳсупаси ҳам,
Ҳаёт шу:
Ким йиглар,
 биров шод, кулур!
Заҳматсиз омадни омад ўйлама,
Сувда қалққан кўпик де, кўпик!
Қулар қирғогини унутган кема,—
Оқимни умрингга айлай бир кўрик.
Майли уч сайёра, юлдузларга ҳам,
Фазо бўшлиқлари бўлсин измингда.
Дорбоздай тута бил лангарни маҳкам,
Муаллақ кетмагил лекин вазнингда.
Заминдан осмонга айласанг парвоз,
Икки оралиққа солганда кўприк:
Олам бўл,
Одам бўл,
Инсонларга хос!
Мувозанат сақла —
Бахтингдай буюк!
Меъёр, мувозанат — инсонлар қалби,
Қалблар ёнишига бўлурми таъқиб.
Дунёни ларзага солмасин зарби,
Зарбидан бу жаҳон кетмасин қалқиб!
Лоқайдлик қуруми сенга юқмасин,
Нафас олишимиз бўлғуси мушкул.
Қайдадир
Ким биров излаб йўқласин,
Сенинг борлигингга ишониб буткул!
Кимга чироқ бўл-у, уйини ёрит,
Рўшнолик мисоли савоб бўлиб кир.
Кимга оқ қоғоз бўл, олмос қалам тут,
Очиқ кўнгилларга жавоб бўлиб кир.

Ҳар фарзанд туғилса битта ниҳол эк,
Мева-ҳосилидан татирсан бир кун.
Эзгулик ҳақиға мағрур бошинг эг,
Евузлик устидан келурсан устун!
Кимга қудуқ бўл-у,
Чанқоғин қондир,
Йўловчилар кўзи изида қолсин!
Нонни ёпиб, айла қуёшни тандир,
Мазаси бир умр оғзида қолсин!..
Толиққан карвонга бўл мадор, дармон,
Ариқ, дарёларда кўприк бўлиб тур.
Кўзларга кирмасин ғубор-чанг, тўзон,
Уйғоқ нигоҳларга киприк бўлиб тур!..
Ким магар адашса манзил йўлида
Сафарда мурод бўл,
Изчи бўлиб қол!
Қуёш бўл,
машъал бўл инсон қўлида,
Яхшилик дастёри —
Элчи бўлиб қол!..
Яхшилар бор экан, кўпаяр сафинг,
Ўзингга,
Изингга этсинлар ҳавас!
Бировга зигирча тегмаса нафинг,
Сен, юрак, юракмас,
Менга керакмас!»

1984

САВОЛ-ЖАВОБ

- Одамга не мангу синмас қўш қанот?
- Адолатлар, адолатлар, адолат!

- Буюк даҳо, айт-чи, қай ул куч-қудрат?
- Ҳақиқатдир, ҳақиқатдир, ҳақиқат!

- Асқотади бизга нима ҳар соат?
- Садоқатдир, садоқатдир, садоқат!

- Битмас бойлик, ҳеч туганмас кон-давлат?
- Саодатдир, саодатдир, саодат!

- Инсонлигинг мезони-чи, одамзод?
- Диёнатдир, диёнатдир, диёнат!

- Пойдеворнинг илдизи не айт, ҳаёт?
- Оқибатдир, оқибатдир, оқибат!

- Инсон учун оғир кулфат, зил даҳшат:
- Хиёнатдир, хиёнатдир, хиёнат!

1985

ЛАНГАР

Бу ёруғ оламда неки нарса бор,—
Барчаси ҳисобли, тош-тарозили.
Ерда ҳам, кўкда ҳам бу ҳол дахлдор,
Бу доно ҳақиқат аниқ азалий!

Момо табиат ҳам,
Кўҳна тарих ҳам
Узи чизиб олган йўлдан юради.
Мувозанати билан барҳаёт одам,
Ушлар,
 боғлаб турар инсон юраги!

Илдизсиз на дарахт, на бор бир гиёҳ,
Уз тортиш кучи бор буюк Заминнинг.
Бир кичик нуқтага таянар нигоҳ,
Жажжи чўп қутқарар сувга чўкканни.

Иўлинг тўғри бўлса,
Мурод ҳам ҳосил!—
Кўзлаган мақсадга рўйрост элтади.
Қингир йўл татимас,
Охиридир зил,
Адашган кемадай ботиб кетади...

Дорбозларнинг жони —
лангардир, лангар,
Қушларнинг парвози қаноти билан!
Инсоннинг қалбида севги барқарор,
Шу боис толен устивор, баланд!

Дунёда борлигим —
Бу ҳақиқатим,
Илҳом қушларидир оқ кабутарим.

Менинг икки қўлим — мувозанатим,
Виждоним —
ишончли ҳаёт лангарим!

1985

Кисловодск.

ҚАЛБНИНГ ҚУЛФИ

Қулф уришар дарвозаларга,
Эшикларга устма-уст ҳатто.
Боқиб бўлмас деразаларга,
Панжаралар тўсиқ рўдапо.

Калит топинг, бузинг қулфини,
Очиб кўринг ичин дурустроқ.
Уйлар бўм-бўш, бузар кайфингни,
Фараз қилинг: ичи бўш қовоқ...

Ким қўйсаки мол-дунёга ҳирс,
Ўз нафсидан ортмабдими, бас,—
Ул бир мурда,
Инсонмас ҳаргиз,
Кимса —
сувсиз қудуқларга хос!

Уй-хаёлда фақат сандиқлар,
Бисот сири беун лунжида.
Олтин калит очиқ сақланар
Сийнабандда, этик қўнжида...

Кимга керак бу қулфу калит,
Ҳиссиз бўшлиқ, айтинг, на даркор,
Қафасни хуш кўрарми бургут,
Зиндонли кун умрмас, бекор!

Борлиққа қулф солиб бўлурми,
Солиб бўлмас бўшлиқларга ҳам.
Уфққа қулф солиб бўлурми,
Солиб бўлмас қўшиқларга ҳам.

Қулф деганни қалбим тан олмас,
Ишқига қалб тутқун ягона.
Муҳаббатга қулф солиб бўлмас,
Демак, кўнгил бундан бегона!

1984

ЯХШИ ОДАМЛАР

Алвон шафақ ичра кунлар ҳам ёруғ,
Дард, алам, андуҳдан кўнгиллар форуғ,
Лабдан кулгу кетмас, қалбдан олов-чўғ.
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Кўнглинг ойдинлашар, бўлади равшан,
Хонадонинг нурли, эл-юртинг гулшан,
Кўксингни боғ айлар қалб қўринг — гулхан,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Инсонлар умрини ёритар чақин,
Қалбида ардоқлар бир умр ишқин,
Мурод ҳосил бўлур, манзил ҳам яқин,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил,
Ҳаёт тўсиқларин мардона енгил,
Юкинг оғир бўлса, кўчади енгил,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Култум сувингни тут дўст-йўловчига,
Бол, ширин сўзингни юбор совчига,
Айлагил сўзингни, шоир, элчига,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Олам оламдирки — ҳисобли дунё,
Нидо бор — тоғларда яшар акс садо,
Азизларга азиз бўл, жонни эт фидо,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Инсон қаримагай, мудом кўнгли ёш,
Мард одам кўксига дунё қўяр бош.
Олтин сочин тараб таъзимда қуёш,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Салом бер, алик ол — қайтар жавобин,
Бир умр варақла ҳаёт китобин,
Яхши хулқ, меҳнат-ла ол эл савобин,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Яхшилик байроғи — мадад, қанотинг,
Севги садоқати чуқур баётинг,
Қўшиқ бўлиб қолар умринг — ҳаётинг,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

Мабодо қоқилсанг, дўст тутар елка,
Кўлмакдан из қолмас, бўлма кўланка.
Яхшилар ёяди номингни элга,
Йўлингда учраса яхши одамлар!

1986

ҲУКМ

«Юрист ўғлим дуруст ўғлим».
(Онанинг қалб калимаси)

Сен учун қонун бу — дастуруламал,
Қонингга кўчгандир моддама-модда.
Одил ҳукминг сенга кўринмас амал,
Кечир, дўстим, сўзим гар бўлса содда.

Хиёнатни асло кечирмас қонун,
Диёнатни мудом айлар ҳимоя.
Нопоклик кўнгилга чўккан қора тун,
Ҳалоллик — ҳаётда мураббий, доя.

Эзгулик, ёвузлик юрар ёнма-ён,
Осонмас ажратмоқ оқу қорани.
Қотиллик кўзларга тўлдиради қон,
Туз сепиб ачитар танда ярани.

Емонлик тиг қайрар омонлик сари,
Яхшилик отига берарлар чалиш.
Худбинлик кетади гоҳо илгари,
Бебурдлик юракка солади нолиш.

Адолат, адоват — мангу юзма-юз,
Бол ва оғу пинҳон битта қошиқда.
Ҳақгўйлик енгади, тушар кўзга кўз,
Ҳақиқат қўяди курашга нуқта!

Ким қонунга хилоф иш тутса агар,
Шу қонуннинг ўзи чиқарар ажрим.
От устида турмас айилсиз эгар,
Узанги кор қилмас, кутади кўрим.

Қонун сотилмайди.

Ўртада виждон,

Одил Вақт киритар одил таҳририн.
Қонунга қўриқбон аслида инсон,
Унда аён кўрар толе, тақдирин.

Шоир сўзни сотса, пулласа қалбин,
Илҳомига қилса хиёнат агар,
Учрар ғазабига донишманд халқин,
Кўр бўлар, кар бўлар ерда муқаррар!

Табиат қонунин ижроси — Борлиқ,
Қонуну виждонни синайди Замон.
Диёнатли Ҳаёт ҳукмидир қаттиқ,
Шафқатсиз Вақт олар биздан Имтиҳон!

1985

Кисловодск.

ТУРТ АМАЛ ҲАҚИДА

Қўшиш, кўпайтириш,
Олиш ва бўлиш —
Аниқ фанда аниқ,
Тўртгала амал.
Мушқулингни айлар
бирпасда осон,
Билиб ишлатганга
Ҳар масала ҳал...

Шу тўрт амалга мен
таяниб келдим.
Ҳаётимга асос билдим
Шу тўрт амални.
Виждон, диёнатни
Ўртага қўйдим.
Ноёб бойлик дедим
Инсоф, хаёлни...

Қўшиб тақдиримни
Эл тақдирига,
Ватан бойлигига
бойлик қўшганман.
Насибамни бўлиб
Ошнолар билан,
Баланд довлардан
дадил ошганман.

Давра кўпайтирдим
Дўстликни алқаб,
Виждон кафолатин
Зиммамга олдим.
Вафо, муҳаббатнинг
Етиб қадрига,

Имоним олдида
Мен содиқ қолдим.

Қаноат қилмаслар
бу тўрт амалга
Биламан, ҳаётда
баъзи кимсалар.
Бироқ ўз тилида
айлаяжак фош,
Рақамлар,
Одамлар агар билсалар?!

Қимга «қўшиш» маъқул,
Қимгадир «олиш».
Қимга «кўпайтириш»,
Қимгадир «бўлиш»...
Бу ҳолат олдида
Кўтариб исён.
Юрагим аламдан
Қилади нолиш.

У деди:— Қўшавер
бойликка бойлик!
Мен дедим:— Қўшмайман
балчиққа қорни!
Ул деди:— Олишни
Унутма, жўра!
Мен дедим:— Кўпайтгум
Содиқ дўст — ёрни!

У деди:— Кўпайтир
Молу давлатинг!
Мен дедим:— Айт, борми
ҳеч диёнатинг!
Ул деди:— Бўлмагин

Топган ҳамённи!
Мен дедим:— бўлмайман
Номус, виждонни!

Бешни бешга қўшса,
Ун бўлар, билар,
Ўзини ўйлайди,
Ўзга чикора.
У учун эрур кам.
Шу тўрт амал ҳам,
Бешинчи амални
Кашф этсак зора!

Тўрт амал бамисли
Тўрттала фасл,
Ўзгартиб бўлурми
Йил фаслларин.
Баҳорни кузга ё
Қиш фаслин ёзга,
Қарши қўйиб бўлмас
Бироқ бир-бирин!

Тўрт амал, наздимда,
Умр қонуни,
Унга амал қилган —
Мудом ютади.
Кимки тўрт амални
Этмаскан писанд,
Ҳаётда беумид,
беиз кетади.

1984

ФАРҒОНАДА БИР ДЎСТИМ БОР...

Йўлдош Сулаймонга

Бир дўстим бор Фарғонада,—
Шоир Йўлдош Сулаймон.
Номи азиз ҳар хонада,
Садағаси бўлай ман.

Еқимлидир болалардай,
Ута хушфеъл, мулойим,
Қулса хандон лолалардай,
Қўшилишиб кулайин!

Авлодларга садоқатдан
Қалби қўшиқ куйлайди.
Субҳидамда муҳаббатдан,
Ишқ, вафодан сўйлайди.

Яхшилиқни ардоқлайди,
Дўстлик умрин нақшидир.
Чин инсонни ардоқлайди,
Бу одати яхшидир!

У дўстларни ажратмайди
Янги билан эскига.
Ёмонлиқни йўлатмайди,
Йўлдошидир аския.

Яхшилиқ деб урар қалби,
Дўст деб чиққан ақл тиши.
Балки шундан бор лақаби,
Яхши сўзи:—«Яхши-яхши!»

Бир дўстим бор Фарғонада,
Шоир Йўлдош Сулаймон.

Қалбин тутар остонада,
Садагаси бўлай мен!

1986
Фарғона

Беватан яшамоқ — тутқунлик демак,
Озодлик йўқ жойда —
яшаш не фойда?!

Бахтиёр онларга талпинар юрак,
Иқболли у кунлар қайдадир, қайда?
Бахтли яшамоққа ўлка ҳам керак,
Бахтни кўтармоққа елка ҳам керак!

1985

ЛАФЗ

Лафзи билан инсон инсондир!
Бебурдларга иш тушса увол.
Чин одамга лафзи унвондир,
Ваъдабознинг сўзи хомхаёл.

Бебурдларда на қилсин имон,
Лафзи борнинг қадри бор, қадри!
Субутсизлар мисли ўлик жон,
Лафзи борнинг қалби бор, қалби!

Лафзи билан инсон инсондир!..

1983

ДАРЗ

Пўлат қуювчига аён ҳақиқат:
«Кетмасин металлга заррача ҳам дарз!»
Зарурдир сезгирлик, даркор эҳтиёт,
Ҳаёт ҳақиқати — сабоқ, катта дарс!
Кетдими, бу даҳшат!
Бўлмайди ямаб,
Улаб ҳам бўлмайди уни қайтадан.
Бепарво, лоқайдлик аслида сабаб,
Пайвандга ҳожат йўқ, зеро, даъфатан.
Тиниқ кўзгу янглиғ азалдан кўнгил,
Губор босса борми, тортади хира.
Умр тўзонлари эмасдир енгил,
Аччиқ ҳақиқатни айтай ошкора!
Кимларга қаҳатдир бир оғиз калом,
Ҳиссиз хаёлларга пуллар ишқини.
Нопоклик айлайди ҳаётни бадном,
Хиёнат қулатар севги кўшкини!
Муҳаббат умрига ёт кўз тегмасин,
Дарз кетмасин зинҳор ҳаёт қасрига.
Бевафолик ишқнинг қадин букмасин,
Қолмасин дунёмиз хунук касрига!

1986

ҚУЗЛАР БОР...

Кўзлар бор,
Мазҳабни кўради.
Кўзлар бор,
Мансабни кўради.
Кўзлар бор,
Уфқни кўради.
Кўзлар бор,
Қўшиқни кўради.
Кўзлар бор,
Осмонни кўради.
Кўзлар бор,
Инсонни кўради.
Кўзлар бор,
Юракни кўради.
Кўзлар бор,
Чўнтақни кўради.
Кўзлар бор,
Кўзларни кўрмайди.
Кўзлар бор,
Дўстларни кўрмайди.
Дўстларни кўрмаган
Кўз кўз эмас!
Кўзларни кўрмаган
Дўст дўст эмас!

1981

(Ҳазил аралаш)

Амударё бўйларин
Ҳавосига мен борман.
Амударё сувларин
Ғаввосига мен борман.
Ҳар элнинг ўз удуми,
Бордир ширин каломи,
Хоразмлик дўстларнинг
«Ҳовво»сига мен борман!

Хоразм воҳасида
Тўрт фаслни бор кўрдим,
Муסיқавий диёр бу —
Садо кўрдим, тор кўрдим.
Эркин, омон замонда
Ишончи ортиқ, комил,
Ишончига эркини
Тугал кўрдим, ёр кўрдим.

Хоразмнинг пахтасин,
Шолисини мақтайми?!
Тил ёрар қовун, анжир,
Олусини мақтайми?!
Хоразм наволари
Дунё кезиб юрибди,
Қалб тугёни, илҳоми,—
«Лазги»сини мақтайми?!

Бу ўлкани кезиб хўб,
Анча ҳаяллаб қолдим,
Дўстларим парвозидан
Кўкда ҳаволаб қолдим.

Хоразм санамларин
Тилларида бол борми,
Қалима қайтаролмай
«Ҳовво-ҳовво»лаб қолдим.

1985

ИЛДИЗ, ЮЛДУЗ, ИЗ

Дарахт қанча бўлса юксак, ҳосилдор,
Ерни қучоқлаган илдизи, деб бил!
Агарчи башарнинг бахти шуъладор,
Кўкда чарақлаган юлдузи, деб бил.

Яхшилик деб ҳалол яшарқан инсон,
Етар манзилига, муроди ҳосил,
Тақдири
Асрга экан дахлдор,—
Узидан қолдирган нур — изи, деб бил!

1984

* * *

Болаликда болалар
Кўчани гуллатишар.
Ўсмирликда ўсмирлар
Кечани гуллатишар.

Йигитликда йигитлар
Оёққа суянишар.
Кексаликда кексалар
Таёққа суянишар!

1982

ОЛТИН ҚАМАЛАК

Бу ҳам табиатнинг бир мўъжизаси,
Қанот қоқиб турар жажжи капалак.
Қуёшнинг кафтида олтин кўзаси,
Нур ичра рақс тушар кўкда камалак.

Табиати инжиқ, нозикдир таъби,
Қисқадир умри ҳам — бор пилла қуртин.
Бироқ «жони қаттиқ» тутгадир тобе,—
Яшар яшил баргин кўзига суртиб.

Назокатга муҳтож, оташга ташна,
Азалдан ўзига ахтарар маҳрам.
Балки шу боисдан нозик қалб билан
Азиз онажонлар, янгалар ҳамдам.

Бахш этиб қалб кўрин, бедору ҳушёр,
Интизор кутамиз нозик уйқусин.
Ширин жонларини айлашиб нисор,
Кумуш зарга ўрар сўнгги нафасин.

Мисоли парвона, бамисли шамдай
Буткул бағишлайди ўзлик, борлигин.
Шеър бўлиб қолади, қалбда илҳомдай,
Биз ҳадя айлаймиз ҳаёт ёрлигин.

Меҳнат билан топур бахтиёрликни,
Ишқли ҳаёт билан мунаввар олам.
Мақсадли яшашни, фидокорликни
Ипак қуртларидан ўрган, эй Одам!

Бор бўлсин бош узра қуёшли фалак,
Ипакли йўлларда учрашсин жаҳон.

Байроқдай балқисин олтин камалак,
Шойи-ипакларга буркансин инсон!

1986

МЕЪЁР

Ҳар нарсанинг бўлсин меъёри,
Меъёрида ҳар нарса шақар.
Меъёр билан — инсоннинг умри,
Бузилса у, қўшилар заҳар..

Меъёрга ҳам бордир бир мезон,
Наздимда, у инсонда Виждон!

1979

НУРДАЙ ПОКИЗА

Тирикликда мудом шони овоза,
Чумоли беозор, меҳнати ҳалол.
Топгани-тутгани нурдай покиза,
Ризқин бутунлиги шундан, эҳтимол.

Вазмин оёқларнинг остида гоҳо
Юккаш чумолилар, афсус, янчилар.
Бу ҳолни кўрдингми, бўлма бепарво,
Уша чоқ қалбингга оғриқ санчилар.

1980

ҚАРСАКЛАР ВА ЮРАКЛАР

Қўллар ҳам инсоннинг аъзоларидир,
Хизмат, вазифаси аёндир бизга.
«Кўз—қўрқоқ, қўл — ботир!»—
Эл нақли бордир,
Кўз гувоҳ, бу қўллар эга эъзозга.

Инқилоб тонгида милтиқ ва қилич
Ушлаб, ўз тақдирин яратган қўллар
Кафтида қуёшни қўндирган зўр куч,—
Дутор торларини сайратган қўллар.

Қўллардан миннатдор ҳалол дастурхон,
Ўроқ ушлаб буғдой ўрган бу қўллар.
Обрў ва эътибор қозонди инсон,
Азму қароридан чекинди чўллар.

Олис манзил сари талпинганда қалб,
Фарзандларга оқ йўл тилаган қўллар.
Ширин бўсаларни қўмсаганда лаб,
Ёрнинг сочларини силаган қўллар...

Лек, қўллар, кечиринг, баъзи бирингиз
Унутиб қўйдингиз бурчингизни ҳам.
Чамамда, алмашди хизмат-ўрнингиз,
Юракка тун чўқар, қилади алам.

Йўқолиб бормоқда сизда ирода,
Билиниб қоласиз берганда овоз.
Кўтармоқ, туширмоқ — бир расм, мода,
Сусайиб кетмоқда сизларга ихлос.

Олқишлар кетидан чанг-тўзон солиб,
Қурбон бўлмоқдасиз сохта шуҳратга.

Қилмиш — қидирмишдир,
Қолурсиз толиб,
Ким чидар ўшанда аччиқ иснодга

«Беш бармоқ бир эмас» дерсиз мабодо
Такрор қўл кўтариб, тушар сўроқлар.
Кўраман мен сизни мажруҳ, афтода,
Айтинг, қани ўша ишчан бармоқлар?!

Ишончни йўқотмоқ — олам даҳшати,
Ишончсиз ҳаёт бу — безабон дунё.
Кўнгилга дарз кетса, йўқ кафолоти,
Нур ўрнини зулмат ғаллар аммо.

Манманлик, кеккайиш — умр заволи,
Кўп ёлғон сўзлаймиз кўзни лўқ қилиб,
Элни ким алдабди — тутар уволи,—
Ер ютар, юборур ҳатто йўқ қилиб.

Унутиб бўлурми тарихни сира,
Бир қараб қўяйлик босилган изга.
Ҳаёт сабоқлари — сўнмас хотира,
Дарахт ҳам суянар теран илдизга!

Юрак кузатарди пинҳон, даргазаб,
Изтироб ичида, эй, беиз қўллар.
Виждон кечирмай мутлоқ бесабаб,
Сиз — нимжон, сиз — қўрқоқ, сиз —
ҳиссиз қўллар.

Бағримиз иситиб, ботир юраклар,
Сиз уриб турингиз ҳушёру бедор,
Қўлга эрк бермангиз зинҳор ва зинҳор,—
Ихтиёрни олур алдаб қарсақлар!

1985

МАШРАБ МОНОЛОГИ

Ҳақ йўлида, йўқ, эгмадим бошимни,
Ҳақ йўлида тўкдим кўздан ёшимни.
Шундай келдим ва яшадим, ўшандоқ
Кетгум олиб бу оламдан бошимни.
Ҳақ йўлида, йўқ, эгмадим бошимни...

1980

У Ч

Табиат ва инсон-муштарак мазмун,
Узаро қўл берса, қудрат, куч олар!
Гоҳ қаҳри ясайди умрга яқун,
Қалтис шўхлик кетмас,
Қаттиқ ўч олар!

Сен кунни тун дединг,
Тунни эса кун,
Осиб ойналарга қора дарпарда.
Муаллақ хаёлга бўлдинг лол, тутқун,
Не ҳикмат борлигин билмай лангарда.
Табиатнинг доно фасллари бор,
Қадру қимматини билажак йиллар!
Беназир борлиқнинг ҳазиллари бор,—
Тескари борганин ўлимга йўллар!

Қузни баҳор дединг,
қишни эса ёз,
Қимлардир эргашди сенга ишониб,
Қимлардир яшашга олди имтиёз,
Айтинг, ҳалолмикан унвон, нишони?!

Қояни тоғ демак — ўзи телбалик,
Ким айтар дарё деб жонсиз кўлмакни.
Товуқ қағ-қағласа тонглар отмас лек,
сел ёққанда тутма кўлда челакни!

Ҳаёт тўхтаб қолмас, оқар илгари,
Ҳар нарсанинг бордир охири, аён:
Эпкин суриб кетди бир хас сингари,
Кўпикдай ёрилдинг беиз, бенишон.

Ер билан ҳамнафас ҳар қандай парвоз,
Ердан узилмасин оёқлар зинҳор.
Адолат, адоват келур юзма-юз,
Элинг юз ўгирса, ўлганинг минг бор!

Тириклик ҳақида варақлар тарих,
Яшаш нималигин наврўздан сўра!
Шунча ночормидинг, шунчалар ғариб,
Қани сен қолдирган нурли хотира?!

1987

ҚАСАМ

Муқаддасдир аслида қасам,
Қасам бошқа, қасамёд бошқа.
Қасамёдга таянар олам,
Байроқ қилиб кўтаргум бошга.

Нонни ушлаб, Имон ўртада,
Дастурхонда қасам ичарлар.
Гар бузилса қасам, сўз, ваъда,
Ул одамдан буткул кечарлар.

Қалб бурчини ўтамоқ учун
Постда турса фарзандлар агар,
Синанг майли қасамёд кучин,
Имтиҳондан ўтар муқаррар!

Севги ҳаққи, вафо ҳурмати
Севишганлар ичишар қасам.
Садоқат бор — шакар ҳаёти,
Бурд кетдими, чўкар дилга ғам.

Дўст бўлай деб дўст ичмас қасам,
Эътиқодни қадрлар нон-туз,
Кексаликдан букилмас одам,
Бевафолик чўктиради тиз.

Она сутин айласа ҳаром,
Тузлиғига тупирса магар,
Инсонликни этди денг бадном,
Қасамхўр деб элга айланг жар.

Яхшилардан кетма кўп нари,
Етти ўлчаб, дерлар, бир бор қирқ.
Виждонингга борма тескари,
Қасамданмас, қасамхўрдан қўрқ!

1985

ЯХШИЛАР ЕДИ

(Ягона хотира кунн муносабати билан)

Яхшилар, эсланг мудом
яхшиларнинг номини,
Равшан айлаб қалб билан
кундузу оқшомини.
Яхши меҳнат, яхши хулқ,
яхши одоб зийнат эрур,
Дилда сақланг бир умр
иззату икромини.

Ул момодир, ё бобо,
ё отадир, ё она,
Оға-ини, жон дўстинг,
азиз ёринг ягона.
Ҳурматин айлаб бажо,
ёдда тутинг пок руҳин,
Учмасин қалб чироғи,
нур таратсин ҳар хона!

Ул ишчи, инқилобчи.
жангчи, деҳқон, қаҳрамон,
Шарафлайлик мардларни
меҳримиз айлаб эҳсон
Нурга ўраб гулларни
тўшайлик пойларига,
Мадҳига ғазал битиб,
эллар айтсин шараф-шон.

Оталар жасорати —
умримизнинг давоми,
Садоқат, вафодадир —
миннатдорлик каломи.
Замондошим, қалбдошим —

Ватаним фарзандлари,
Хотира — мангуликдир,
 қалбимизнинг илҳоми.
Осмон меҳри намоён
 бу фалак офтобида,
Яхшилар ёди битик
 саодат китобида.
Мағрур бошлар эгилсин
 сукутда бир сония,
Гулчамбардан ҳайкалу
 нурдан ясаб обида!

1986

ҚОРА МАРВАРИДИМ

Ҳамид Раҳматуллаевни эслаб...

Яшил майдонда ул бир юлдуз эди,
Кўз тегди юлдузга,
Чақмоқдан учди.
У энди чақнамас, йўқ, афсус, энди,
Юлдуз изтироби қалбларга кўчди.

«Ўзбеклар Пелеси»—
Халқ берган баҳо,
Қора марвариди эди ул Шарқнинг.
Қора марваридга кўз тегди аммо,
Пушти камарийди буюк Широқнинг.

Ҳаёт паймонаси экан-да шундоқ,
Лабда қолди лим ярим пиёласи.
Излайман юлдузни
Ва лекин-биноқ,
Қани, қайга учди ўзбек Пелеси?!

Қора марваридим қорачиғимда,
Ул юлдуз излари кўзларимдадир.
Унга муҳаббатим қалбим чўғида,—
Чақмоқнинг ёғдуси кўзларимдадир.

1984

МЕНГА ЧИННИГУЛ ҲАДЯ ЭТГАН САОДАТХОНГА АТАГАНИМ

«Кўзим ожиз», дея ўксинма, синглим,
Буни эслатмоғим ўзи ножоиз.
Эътиборинг учун кўксимда қўлим,
Қалбингни парчалаб, излама боис.

Тақдир — тақдир экан:
Кўрсатди бир бор —
Яна биркам дунё эканлигини.
Қимни зулумотга айлармиш дучор,
Қимга кўркам дунё эканлигини.

Жаҳон-жаҳон эмас,
Кўрдир, сўқирдир,
Агар ожиз бўлса инсоннинг қалби.
Афсус-надоматда қолмасми тақдир,
Дилларни қақшатар зил-замбил зарби.

Сенинг қалбинг очиқ!
Қалб кўзинг билан
Кўрасан оламни, танийсан рангни.
Шу ёниқ меҳрингдан дунё ҳам равшан,
Кутасан, куй тинглаб, умидвор тонгни.

Ҳаётга ишқингдан чиннигул гувоҳ,
Гул меҳринг пок кўнглинг тўрида кўрдим.
Кўзойнак остида яширин нигоҳ,
Гавҳарин қалбингнинг қўрида кўрдим.

«Кўзим ожиз», дея ўксинма, синглим,
Буни эслатмоғим ўзи ножоиз.
Эътиборинг учун кўксимда қўлим,
Қалбингни парчалаб, изламас боис...

Ахир, ногиронлик асло айб эмас,
Эмасдир бу олам нуқусдан холи.
Кўзи очиқларга инсоф берсин, бас,
Ақли ожизлардан асрасин толе!

1984

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Қўлингда бор эди ўтмас бир қалам,
Ғанимлар тутдилар ўткир қиличин.
Ёришди сен учун гўё бу олам,
Ойнакли кўзингга йиғдинг севинчини.

Ғафлатда қолдилар баъзилар бироқ,
Билдирмай ногаҳон писиб келдинг сен.
Кимнидир қилинч-ла қилдинг бир оёқ,
Кимнингдир қўлини кесиб келдинг сен.

Бошин олмоқ бўлдинг, қоши қирқилди,
Кўзига чанг солдинг, узилди киприк.
Кесмоқ бўлдинг тилни, лаби йиртилди,
Имон бутун эди,— туриб берди тик!

Кўксига неча бор санчдинг қиличини,
Қон сачраб, ингради қинида юрак.
Сен қайдан англайсан жасорат, кучни,
Қалб ичра муҳаббат урар гулдурак...

Қилич қўлимда деб мақтанма зинҳор,
Ҳаётда сен каби у ҳам бевафо:
Қилич босмас қалам ўрнини ҳеч бор,
Улар бир-бирига душмандир зеро.

Оддий ҳақиқат бу: тўнни ўзинг бич,
Тилга кирсин, майли, виждон ва юрак:
Дерлар: «Қим кўтарса ноҳақдан қилич,
Ул қиличдан ўзи янчилар бешак!»

1985

ЧИНОР УМРИ

(Асқад Мухтор йўлида)

Буюк матлаб эди ҳаётда тугилиш,
Дарёлар туташган жойда.
Сизга айтар сўзим бор, дея,
Тўйга чорлаб, юрибсиз қайда?
Сизни қутлашмоқда опа-сингиллар,
Мамнунликдан сўраб суюнчи.
Ҳа, бўронларда бордек ҳаловат,
Печда офтоб қуяр пўлат қуювчи.
Дунё болалари жуда жаҳонгашта,
Гашт-да учмоқ қуёш беланчагида.
Замондошсиз, ўзни кўрасиз паққос
Еш дўстларнинг келажагида.
Давр — менинг тақдиримда дея,
Олислаб кетдингиз, оға, кўп нари.
Олмос қарашингиздан қоямади ҳатто —
Бухоронинг жин кўчалари.
Чин юракдан,
Раҳмат, меҳрибоним,
Дебсиз, хонимнинг тугилган кунлари.
Қатта йўлда ҳаётга чақириқ бу —
Портлар ҳамшаҳарлар нидо — унлари.
Қорақалпоқ қиссасин юракдан битиб,
Самандарга дейсиз саҳро тор!
Истиқбол умрингизга шерик,
Ерда тақдирдош серилдиз чинор..
Она Замин тилар чинор умрини,
Тупроқни такрор тингламоқ даркор.
Қалбингиз ҳам,
Қаламингиз ҳам,—
Зап ёзгансиз — устоз,
мангуликка дахлдор!

«Норим-борим» дейсиз, эркалаб лекин,
Қулоққа пичирлар, эрка лаб секин:
«Ҳаётда Мухторов Асқадимиз бор,
Ижодда беназир дастхатимиз бор!»

1980

Тошкент.

ОДИЛ БУХОРИЙНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Фарзанд қобил бўлса, одил бўлади,
Ноқобил фарзанддан асрасин толе.
Ноқобил ўғил-қиз бедил бўлади,
Қобил фарзанд эса — ҳаётнинг боли.

Одилжон, сен, болам, келдинг оламга,
Қалбин гулбоғ айлаб ота-онангни.
Сен келиб ўт қўйдинг андуҳ-аламга,
Қувдинг хонадондан ўксик, аттангни.

Одил ҳақиқатга таянар умр,
Ҳақиқат элчиси бўлиб келдинг сен.
Икки дил ишқини сен айлаб сурур,
Севги суюнчиси бўлиб келдинг сен.

Бошинг тошдан бўлсин, ироданг пўлат,
Тошпўлат шеърига содиқ қол, ўғлим,
Ҳа, одил ўғилдан қолгай яхши от,
Ойшахон меҳрига содиқ қол, ўғлим.

Ота розидирки, умр уфқи-кенг,
Она алласидан уйғонар саҳар.
Бола кулгусига нима келур тенг,
Орзулар парвози мисли кабутар.

Муродин қоғозга тушириб мамнун,
Туғилган кунингни қутлар бир тоғанг.
Ҳаётда одил бўл, одил эл учун,
Оқсоч бошим эгиб, кетай садағанг!

Бухоро умрини, шуҳрат-шонини,
Мен ҳадя этаман, кўраман раво.
«Одил Бухорий» деб бир кун номингни,
Атаса, розиман Бухоро бобо!

1984

Бухоро.

ЯНГИ ОЙ

«Қаранг, қўшни,
Янги ой туғди!»—
Қадалади кўкка нигоҳлар.
Бахт келтирсин!
Хайрли келсин!»—
Кўк ҳилоли қалбларни боғлар.

Осмон узра қалқса янги ой,
Улашармиш саодат, қувонч.
Ойдинли тун — умидвор ҳаёт,
Ортар элда яшашга ишонч.

Эгизакдир висол ва ҳилол,
Қадрлашар ошиқ-маъшуқлар,
Улар тунни тонгга улашиб
Тўқишади ишқий қўшиқлар.

Ой нурида юлдуз санаймиз,
«Сомон йўли»— хаёллар уфқи.
Ҳар ким излар ўз юлдузини,
Икки кўзда ёр, ҳаёт ишқи.

Юлдуз учса кўкда мабодо,
Ортга тортар полвон юраклар.
— Кимларга чин, кимга афсона,
Юлдуз учса, нени дараклар?

Салом, Ҳилол,
Умрим йўлдоши,
Бахтимдай балқ самода кулиб.
Рози бўлсин сендан Еру кўк,
Ботгин фақат тўлин ой бўлиб?!

«Қаранг, қўшни,
Янги ой туғди!»—
Қадалади кўкка нигеҳлар.
«Бахт келтирсин!
Хайрли келсин!»—
Кўк ҳилоли қалбларни боғлар!

1985

САЕҲАТДАН ҚАЙТГАНДА

Иўллар юриб беармон
Ўзимни олиб қайтдим.
Дунёни сиғдиролган
Қўзимни олиб қайтдим.

Молу дунё керакмас,
Бордир камёб бисотим,
Юрагим илҳомини —
Сўзимни олиб қайтдим

Иўллар юриб беармон
Ўзимни олиб қайтдим.

1985

ГУЗАЛЛИК БИР ЧИРОҚДИР

Гўзаллик бир чироқдир,
Мен унга парвонаман.
Шу чироқнинг кўйида
Куйиб-куйиб ёнаман.

Ҳаётимда бул чироқ,
Сўниш нима билмасин!
Даркор эмас ўзгаси,—
Ўзга ишқдан тонаман!

1984

Москва

ЯХШИЛИК УЧҚУНЛАРИ

*Яхши инсонни кўзидан билса бўлади,
(бир дўстимнинг қалб сўзи)*

Одамлар қалбини уқмоқ кўп душвор,
Осонмас инсонни этмоқ ихтиро.
Яхшилар кўзида меҳр, сеҳр бор,
Шу боис кўзидан танийман аммо.

Яхшилик учқуни кўзларда — гавҳар,
Қароқларда яшар эзгулик, толе.
Қалбим муҳаббати — ошиқ кабутар,
Вафо, садоқати гумондан холи.

Ошиқ юракларнинг ишқли кўзлари
Оху кўзларидай ёниқ, қуёшли.
Бир бор қарашню рафтор излари
Буткул асир айлар не азиз бошни!..

Назари бошқача, лутфи бошқача,
Фарқланар, ажралар ўзга кўзлардан.
Ошифта бу кўзлар боқмас бошқага,
Саломин йўллайди кўк, юлдузлардан.

Яхшилик элчиси, қалб таржимони —
Кўзларим, қароғинг қуёшли олам.
Кўксингни ёндирсин севги маржони,
Кўлингда ўйнасин вафодор қалам!

1986

СУЮНЧИ СУРАБ...

(Еш келин-куёвларга)

Тўй аслида бир баҳонадир
Изҳоридил этмоққа, дўстлар,
Севги қурган тахт шоҳонадир,
Қувонади юраклар, кўзлар.

Бир пайтлари орзу эдингиз,
Сиз қайтдингиз ҳақиқат бўлиб.
Қалб қатида туйғу эдингиз,
Сиз қайтдингиз муҳаббат бўлиб.

Никоҳ тўйи — умр тўйидир,
Улчанар у муҳаббат билан!
Ошиқларнинг ният-ўйидир,
Синалар у садоқат билан!

Муҳаббатдан яралган ҳаёт
Қуёшим, дер севги, вафони.
Ишққа бегонадир хиёнат,
Тан олади нурни-зиёни.

Турмуш фақат ўйин-кулгумас,
Бордир фироқ, кўз ёшлари ҳам.
Бойлик, давлат — асло мулк эмас,
Дадил бошлар гоҳо бўлур хам,

Ишқ туради устун эрмакдан,
Ошиқ дилга кетмайди ҳазил!
Нима азиз ишқли юракдан?!
У бор — яқин кўзланган манзил.

Омон бўлсин, азиз бошингиз,
Бошлар борки, топилар болиш.
Сиз, фарзандлар, кўзи-қошимиз,
Ёш юраклар билмасин нолиш!

Остонадан биз келсак кулиб,
Маҳрум этманг севинч бахтидан.
Султон бўлиб, малика бўлиб.
Тушманг абад толе тахтидан!

Юракларга юрак қўшилар,
Сизни олсин саодат ўраб.
Биз чарчайлик, майли, қўшнилар
Келишаркан суюнчи сўраб!

1985

УЙҚУСИЗ КЕЧА

Ким тунни қарғаса, уволи тутар,
Уйқусиз кечанинг гашти бошқача!
Тўлин ой ғазалин самога битар,
Юлдузлар шодаси гувоҳ тонггача.

Сукунат қўйнида ошиқлар сархуш,
Ҳижронни ингратар тун ичра висол.
Она сийнасида гўдак кўрар туш,
Наздимда, тин олар қанотли хаёл.

Шоир юрагидай тун ҳам уйғоқдир,—
Бедор кўзи билан кўрар оламни.
Қора ниятларни ирғит, улоқтир,
Хуш кўрмас дилсиёҳ, бадбин одамни.

Яхшилар учрашса, ётар чоғида
Раво кўришади хайрли тунни.
Ҳаётни кўраман қалблар чўғида,
Муҳаббат кашф этар умидли тунни.

Қонли қотилликни кечирмайди тун,
Евузлик қиличи қалбим бурдалар.
Совуқ кўланкага бўлмагин тутқун,
Ёруғлик сояси — тирик мурдалар.

Ким тунни қарғаса, уволи тутар,
Уйқусиз кечанинг гашти бошқача.
Тўлин ой ғазалин самога битар,
Юлдузлар шодаси гувоҳ тонггача.

Шукуҳли бу кунлар,
Бахтиёр ҳаёт
Уйқусиз кечанинг шарофатидан.

Умримиз давоми,
боқий муҳаббат
Ошиқ юракларнинг ҳаловатидан!

Уйқусиз кечадан қалбим миннатдор,
Шеъримда қолдирди ўз дастхатини.
Хайрли тун тилаб, кутарман бедор
Яхшиларнинг тунга садоқатини!

1985
Қисловодск

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

Нимага чиқмасин,
Троллейбус ё,
Автобус ва ёки трамвай бўлсин...
Билет рақамларин ҳисоблар зебо,
Рақамлардан олмай қуралай кўзин.

Қоши чимрилади,
Пичирлар лаби:
Беқалам ўтказар сонларни дилдан.
Қай бир йўловчига очилар қалби?
Ўз бахтли рақамни излайди йўлдан.

Зимдан кузатаман.
Чеҳраси гулгун.
Ҳар гал ахтаради бахтли билетни...
Эҳ, нега кўрмайди
Ёнида турган
У билан бир умр бахтли йигитни?!

1982

ИШҚЛИ ҚАЛБГА ТОШДИР БЕГОНА!

Кимдир сени демиш тошбағир,
Наҳот қалбинг тошдандир, өркам?
Ишонмайман бунга бари бир,
Не кўргилик!
Бу қандай ситам?!

Тош юрак бу —
Тош қиз дегани,
Наҳот, бунга этолсанг бардош?
Қақшатар муз вужудни-тани,
Кимга керак қаттиқ, совуқ тош?!

Лабларида кулса табассум,
Кулгусидан тонг отса агар,—
Чеҳрасига ой этса таъзим,
Тош юракмас, у қиз муқаррар!

Бошинг тошдан бўлса,
Ризоман, ризо,
Жоннинг қаттиқ бўлгани суюк.
Ишқли қалбга ётдир тош, аммо,—
Юракка тош оғир, вазмин юк!

1984

ҚИЁ БОҶАР ҚАЧОН МАЛАҚ?

Давраларда ўйнаб-ўйнаб,
Ақлим олди гўзал Зайнаб.
Ишқ богида гул кўкарди,
Ўстирдик биз сийлаб-сийлаб.

Дўст тутиндик сайлаб-сайлаб,
Чин юракдан кўнгил бойлаб.
Мен бош уриб келсам ҳамки,
Хабар олмас ҳафта, ойлаб.

«Юрибсизми ёниб, қайнаб?—
Десамки мен,— синглим Зайнаб?»
Ул бепарво куйдириб кўп,
Турар гоҳо «айнаб»,—«айнаб».

Жавоб бергин, одил фалак,
Қиё боқар қачон малак?!

1986

ТУЮҚ

Ҳикмат борки бу оламда:
«Сен ақл ол, олтин олма!»
Ёр, бир дона олма ушлаб,
Дедингки, «Бу — олтин олма!»

Шохда кўриб баҳсимизни,
Ўз ҳукмини айтди, олма,
Кафтимизга қўнди келиб:
«Ол!»
 «Тин!»
 «Ол!»
 «Ма!»

1983

ШЕЪР ДАРДИ

«Сизга осон, сизларга маза,
Беташвишсиз, тўқийсиз ашъор!»
О, таънангдан бўлдим кўп изза,
Мустар бўлдим сўзингдан, дилдор.

Йўқ, азизам, сенчалик эмас,
Яхши англар шоирлар қалби.
Юрак билан ўйнашиб бўлмас,
Дилнинг дарди — шеърият зарби.

Сенга раво кўрмам буни ҳеч,
Бир йиғлаш бор, бордир бир кулиш.
Илҳом билан келсак ҳар гал дуч,
Бир ўлиш бор, бир бор туғилиш!

1980



III

ҚУШИҚЛАРДА ЮРАГИМ





ЯРАШГАЙ

Гўзал, зебо замонам,
тароналар ярашгай,
Азиз, қутлуғ кошонам,
жононалар ярашгай,
Лафзи билан қадрли,
аҳди-қарорли инсон,
Вафоли бу ҳаётга
паймоналар ярашгай.
Тилла қошни қўндириб
келин бўлиб тушса ёр,
Шода-шода марварид,
дурдоналар ярашгай.
Тотув бўлса хонадон,
дунё келур таъзимга,
Бахти бутун, қуёшли
остоналар ярашгай.
Меҳнатдан топдим камол,
иқбол чертар торимни,
Давру-давронимизга
мардоналар ярашгай.
Қўшиқ — қалбим илҳоми,
тонг уйғонар наводан,
Ошиқ Нарзийга ҳамдам
мастоналар ярашгай.

1986

ТОНГОТАРДАН НАВО УЧАР...

Дунё ёруғ олам аро
 кўзи зиёлар бор учун.
Куйлагайман чин юракдан
 қалби дарёлар бор учун!

Осмон мовий, чароғондир —
 сайёралар сайри гўзал,
Дунё уфқи бепоёндир,
 кўкси самолар бор учун.

Ҳаёт — илҳом сарчашмаси,
 вобастадир юракларга,
Боғда кўнгил ғазалхондир,
 булбулгўёлар бор учун!

Яхшидан ном қолғусидир,
 яхшилар бор, яхшилик қил
Умр топмас ҳеч бир завол,
 ақли расолар бор учун!

Табиатнинг гулдастаси —
 яшил олам, чаманзорлар,
Тонготардан наво учар
 субҳи саболар бор учун!

Нарзий, куйла муҳаббатдан,
 садоқатдан шўх ғазаллар,
Умринг ширин, бахтинг тайин
 қўшиқ, садолар бор учун!

1986

ҚАЛБИМ ҒАЗАЛИ

Ассалом, Тошкентим, бахтим, баҳорим.
Пахтакор пойтахтим, Шарқим машъали.
Куйчи фарзандингман, тингла дил торим,
Сенга бағишланур қалбим ғазали!

Қуёшинг ёрқинлиги кундузингдандир,
Ҳаётинг ёлқинлиги илдингдандир,
Осмонинг чақинлиги юлдузингдандир,
Севгимнинг висоли, ишқим иқболи.

Элинг ҳур, ошнолар аҳил, дўст, ўртоқ,
Меҳру муҳаббатинг кўксингда чироқ,
Дўстлик китобидан берурсан сабоқ,
Ҳаётинг нурафшон, умринг нашъали.

Қуёш суйганидан йўллар саломин,
Олам узра ёйдинг ўзбеклар номин,
Сендан аҳли шоир олур илҳомин,
Онам — Ўзбекистон, юртим, гўзали!

1983—1984

ТИНЧЛИК ТАРОНАСИ

Қўл чўзмоқда қўлларга қўллар,
Туташмоқда дилларга диллар,
Уланмоқда йўлларга йўллар,
Тенглик керак ҳар бир одамга,
Тинчлик керак кенг бу оламга!

Булбуллар шўх сайрасин, десак,
Кўнгиллар шод яйрасин, десак,
Гуллар бўйин таратсин, десак,
Тенглик керак ҳар бир одамга,
Тинчлик керак кенг бу оламга!

Тинчлик қушим, қитъаларга уч,
Бахтли кезиб, кўк юзини қуч,
Олам ичра омонлик зўр куч,
Тенглик керак ҳар бир одамга,
Тинчлик керак кенг бу оламга!

Яхши дўстлар сафма-саф бўлсин,
Уруш, хуруж йўғу даф бўлсин,
Мард инсонга шон-шараф бўлсин,
Тенглик керак ҳар бир одамга,
Тинчлик керак кенг бу оламга!

Совет юртим — тинчлик таянчи,
Ҳаётимиз — умид, ишончи,
Виждонимиз — энг содиқ элчи,
Тенглик керак ҳар бир одамга,
Тинчлик керак кенг бу оламга!

1986

ҚАЙДАСИЗ, АЗИЗЛАРИМ?

Тинглангиз, тинглангиз қалб сўзимизни,
Қуролдош азизлар, тирик меҳрингиз!
Соғиниб излаймиз, жон дўстлар, сизни,
Қайдасиз, қайдасиз, жавоб берингиз?!

Нечун номаълум, жим, сизлар бедарак?
Интизор оналар, содиқ тул ёрлар.
Ҳаётга ҳамиша йигитлар керак,
Ҳовлида эгарли ҳамон тулпорлар.

Ениқ чироғингиз хонадонларда.
Сиз терак, чинорлар, оқ қайинларсиз!
Насиба кутади дастурхонларда,
«Ҳаётни севинг» деб оҳ, тайинларсиз.

Яшайсиз юракда жароҳат бўлиб,
Тумордир уч бурчак мактубларингиз.
Эзасиз қалбларни «қора хат» бўлиб,
Умидин узмаган маҳбубларингиз.

Сиздан бошланади саломларимиз,
Йўқлаб-сўроқлаймиз ёр-дўст ҳар маҳал.
Бахшида юз тилли каломларимиз.
Ғалаба жомлари сизларга маҳтал!

Тинглангиз, тинглангиз қалб сўзимизни,
Қуролдош азизлар, тирик меҳрингиз!
Соғиниб излаймиз, жон дўстлар, сизни,
Қайдасиз, қайдасиз, жавоб берингиз?!

1983

Киев

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ

(Қўшиқ)

Ўзбекистон комсомоли
Йўл олади сафарларга.
Қутлуғ бўлсин шон, иқболи,
Етаклайди зафарларга.

Олов ёшлик, соф-муҳаббат
Бизга қанот учқур ҳислар.
Асл дўстлик билмас бекат,
Манзилга элт, пўлат излар!

Оталардан ёдгор, мерос
Дўстлик рамзи — Уроқ-Болга.
Қураш меҳнат — бахтга асос,
Партиямиз бошлар олға!

Юракларда Ленин ёди,
Қалбда қайнар севинчимиз.
Халқ фарзанди, юрт авлоди,
Биз бахтиёр ленинчимиз!

1986

ИШОНАДИ ОНА ЮРАГИ

Сочлари қордек оппоқ,
Она алам ютади.
Қалбин қиймалар фироқ,
Ҳануз ўғлин кутади.

Хизмат учун Ватанга
Кўнгиллилар қатори,
Кулиб кетганди жангга
Кўз қораси — шунқори.

Асрайди кўкрагида
Сўнги ёзган хатини.
Эъозлар юрагида
Қўмсаб Азиз отини.

Хаёл билан олишар
Тунлари танҳо, бедор.
Суврат билан сўйлашар —
Елғизидан ул ёдгор.

Туширмайди гард, губор,
Чангини артиб қўяр.
Упиб, ҳар кун неча бор
Кўзига суртиб қўяр.

Йўл қарар ўқтин-ўқтин,
Совиб қолар ошлари.
Учиргай уруш ўтин
Онанинг кўз ёшлари.

Кириб чиқар тушига.
Фарзанд — ҳаёт тираги.
Ишонар келишига,
Уйгоқ она юраги.

1985

ЎЗБЕКИСТОН-АФҒОНИСТОН

(Дўстлик қўшиғи)

Ен қўшнидир — жон қўшнидир
Афғонистон — Ўзбекистон.
Пок юраклар содиқ дўст, дер,
Хуш омадет, азиз дўстон!¹

Дўстлик билан ҳаёт тирик,
Сўнмас умр чироқлари.
Қардошликка олтин кўприк
Амударё қирғоқлари.

Булбулларсиз чаман бўлмас,
Диллар дилга пайвастадир.
Дўстлигимиз сарҳад билмас,
Камалаклар пайвастадир.

Жасур ёшлик, ҳей, олға бос,
Тунни ула оқ тонгларга.
Душманлардан олгин қасос,
Шайлан кураш, зўр жангларга.

Бизниқидир иқбол, висол,
Порлоқ ҳаёт, кўҳна олам.
Кулар тонгдай шон, истиқбол,
Кетмас бўлиб келар кўклам!

1986

¹ Хуш келибсиз, азиз дўстлар! (муаллиф)

АЗИЗ ВАТАНИМ

Уйғонсам, оппоқ тонг суюнчи сўрар,
Хушxabар бахтимдай элга тарқалар.
Онамдай бағрида суюб эркалар,
Онам — Ўзбекистон,
Азиз Ватаним!

Шафақлари алвон, уфқлари бор,
Ҳаёт наволари — қўшиқлари бор.
Ишқида вафодор ошиқлари бор,
Онам — Ўзбекистон,
Азиз Ватаним!

Бахтиёр ҳаётни меҳнатдан топдим,
Эътибор, иззатни меҳнатдан топдим,
Бу қадр-қимматни меҳнатдан топдим,
Онам — Ўзбекистон,
Азиз Ватаним!

Наҳоринг қувади тун уйқусини,
Қуёш улашади зар ёғдусини,
Сенда кўрар дунё ўз келгусини,
Онам — Ўзбекистон,
Азиз Ватаним!

1985

БИЗ — ЁШЛАР...

Ватан ўғил-қизлари,
Ой, қуёш, юлдузлари,
Иш билан бир сўзлари,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

Кўзлаймиз уфқларни,
Куйлаймиз қўшиқларни,
Енгамиз тўсиқларни,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

Душманни зор қақшатган,
Дашт, саҳрони яшнатган,
Бахтин тонгга ўхшатган,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

Ерда зафар қучган ҳам,
Фазоларга учган ҳам,
Ишққа қасам ичган ҳам,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

Дўстликни ардоқлаймиз,
Эл тинчини сақлаймиз,
Юрт ишончин оқлаймиз,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

Замон Ширин, Фарҳоди,
Дилда оталар ёди,
Буюк Ильич авлоди,
Биз-ёшлармиз,
Биз — ёшлар!

1985

МЕҲНАТИМДАН

Юрагимда чўнг ифтихор меҳнатимдан,
Элда топдим шон, эътибор меҳнатимдан.

Олтин водий ўлкасининг фарзандиман,
Ҳаёт гулгун, гулшан диёр меҳнатимдан.

Яшил яйлов, қир, адирлар, бугдойзорлар,
Хазинадир кенг пахтазор меҳнатимдан.

Боғу роғлар таровати, кўркин кўринг,
Ўзбекистон ҳур, чаманзор меҳнатимдан.

Ёз қуёшли, куз тўкинли, қиш кумушли,
Фасли азиз зумрад баҳор меҳнатимдан.

Ватан обод, эл фаровон, нурли уйлар,
Дунё кездим шод, бахтиёр меҳнатимдан.

Нарзий мамнун ўз умрию толедан,
Янграр наво шому наҳор меҳнатимдан.

Юрагимда чўнг ифтихор меҳнатимдан,
Элда топдим шон, эътибор меҳнатимдан.

1985

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗИМАН

Хушовоз хонанда Розахонимга

Шудрингга ювдим юзим,
Шафаққа тикдим кўзим,
Тупроққа битдим сўзим,
Кўкда кулган чўлпони,
Қорақалпоқ қизиман.

Саҳарлари, шомлари,
Дилда азиз номлари,
Юракда илҳомлари,
Орзу, ўйи, армони,
Қорақалпоқ қизиман.

Пахтаси, шолиси бор,
Олмаю олуси бор,
Қовуни, болиси бор,
Баракали хирмони,
Қорақалпоқ қизиман.

Меҳнатдан топдим толе,
Сулув ўлкам жамоли,
Қалбда севги висоли,
Кўксимда юрт нишони,
Қорақалпоқ қизиман.

Амударё азимда,
Қуёш ва Ой таъзимда,
Ҳаёт чаман изимда,
Ватаним шараф-шонни,
Қорақалпоқ қизиман.

1986
Нукус.

НУР ҚҰЙНИДА ДИЕРИМ

ҚИЗ:

Субҳидамнинг сабоси,
Шайдо кўнгил садоси.
Қувноқ дилим аллалар
Найнинг шўх-шўх навоси.

Гумбурлар тоғ дараси,
Яшил водий ораси.
Кўнгил қўйган ул ёрим
Йигитларнинг сараси.

ЙИГИТ:

Чаман водий — гул водий,
Юрагимда ёр ёди.
Даврим қизи, дилбарим,
Узинг умрим муроди.

ҚИЗ:

Наврўзим — гул баҳорим,
Нур қўйнида диёрим,
Бахтимизни куйлайлик,
Қўл ушлашиб кел, ёрим.

ЙИГИТ:

Тоғдан келар шалола,
Гул қўлингда гуллола.
Гулингни бер, жонгинам,
Сенга ишқим ҳавола.

ЙИГИТ ВА ҚИЗ:

Бахтимиз бут меҳнатдан,
Шарафли саодатдан.
Истиқболни кўзлаймиз,
Сўзлаймиз садоқатдан!

1983

ОЯДИН ЙУЛЛАР

ҚИЗ:

Пахтазорда жавлон урган, эй чавандоз,
Жонингизга жоним нисор, гул поёндоз,
Сал бўшатиңг тулпорингиз жиловини,
Дил сўрайди, сизга озроқ бор илтимос.

ИИГИТ:

Жилғаларда сув оқади жилдир-жилдир,
Юрагимда орзуларим жуда мўлдир.
Эй, яхши қиз, не илтимос, бош устига,
Дема асло толе йўли равон йўлдир.

ҚИЗ:

Иигитларнинг энг сараси — мард бўлади,
Қошларида меҳнат юки — гард бўлади.
Сафдош бўлиб келдим мен ҳам қошингизга,
Қизларнинг ҳам юрагида дард бўлади.

ИИГИТ:

Суворийлар синалади майдонларда,
Кўзларимиз кўкни ўпган хирмонларда.
Дардларингга дармон бўлай, кетдик, қани,
Қолма яна ортда ўксиб, армонларда.

ҚИЗ:

Пойғаларда олғир экан тулпорингиз,
Лафзи ҳалол, қатъий экан қарорингиз.
Биласизми, юрагини айлаб машъал,
Енингизда кўз тикади дилдорингиз?!

ИИГИТ:

Меҳнатимиз умримизга зеб бўлади,
Босган қадам изимиздан бахт кулади.

ҚИЗ:

Бизлар уйган хирмон-хирмон оқ толалар,

ҲИГИТ:

Қузда бўлар тўйимизга сеп бўлади.

ҲИГИТ ВА ҚИЗ:

Оқ пахтадай ниятимиз, ойдин йўллар,

Оқ олтинни яратади олтин қўллар.

Ғолиб байроқ ҳилпирайди бошингизда,

Истиқболга жон партиям ўзи йўллар!

1978

**ПИЛЛАМ МЕНИНГ —
ТИЛЛАМ МЕНИНГ!**

(Пиллакор қиз қўшиғи)

Колхозимда мутгасил
Тутаман пиллақуртин.
Ундан олиб мўл ҳосил,
Шойига ўрай юртим.

Тутзор ичра япроқлар —
Яшил бойлик, наздимда.
Елда майин ўйноқлар
Салом йўллаб, таъзимда.

Баргга қўшиб берганман
Юрагим оташини.
Камалакда кўрганман
Ватаним қуёшини.

Юзим ёруғ, гул чеҳрам,
Элга меҳрим юракдан,
Бошимда қизил дуррам,
Ўзим терган ипакдан.

Шойидан дўппи тикдим,
Адрас тўнли ёримга.
Белбоққа имзо чекдим,
Ишқида иқроримга!

1985

ГУЛ ДИЁР ФАРЗАНДИМАН

Гул диёр фарзандидирман,
қўлда торим сайрагай,
Бахт-иқболим муҳайёдир
бахри-дилим яйрагай,
Олтин водий-чаманзорим,
гуллар атрин тарагай,
Ўзбекистон ўлкасидир
азиз кошонам менинг,
Улуғ дўстлик шодасида
асл дурдонам менинг!
Қўл бергандир уфқларга,
бағри шунчалар кенгдир,
Қардош дўстлар даврасида
ҳақ-ҳуқуқи бор, тенгдир,
Меҳнатидан йўли равшан,
уни қўллайди тақдир,
Ўзбекистон ўлкасидир
азиз кошонам менинг,
Улуғ дўстлик шодасида
асл дурдонам менинг!
Кутиб олар қуёш билан
сизни остонасида,
Ишқи, меҳри мужассамдир -
қўшиқ, таронасида,
Нарзий топди эътиборин
Совет замонасида,
Ўзбекистон ўлкасидир
азиз кошонам менинг,
Улуғ дўстлик шодасида
асл дурдонам менинг!

1986

ДУСТ УЧУН

Яйраб чертсам дил торини,
Қилди наво дўст учун,
Эсгай майин чаман аро
Субҳи сабо дўст учун!

Ол шафақдан олганмикан
Табассумин табиат,
Кўкдан қуёш салом йўллаб,
Сочди зиё дўст учун!

Дунё кезиб дунё эмас,
Дўст ортгирдим дунёда,
Олтин ҳаёт қадрин ўйлаб,
Қурдим бино дўст учун!

Меҳру вафо, садоқату
Севги — умрим йўлдоши,
Яхшилиқ деб тугилганман,
Жоним фидо дўст учун!

Дўстлик ҳаққи, шоир Нарзий,
Қалб созини баланд черт,
Ризодирман қалам, қалбим
Бўлса асо дўст учун!

Яйраб чертсам дил торини,
Қилди наво дўст учун,
Эсгай майин чаман аро
Субҳи сабо дўст учун!

1985

ЧАНАМ ВА САНАМ

(Ҳазил қўшиқ)

Салом, Чимён, гўзал ошиён,
Қўмсаб келдим, қорли тоғларим.
Қафтимдадир қуёшли осмон,
Бахтиёрлик, ёшлик чоғларим.

Шамолларни этмасдан писанд,
Учгин учқур эй, олмос чанам.
Ишқинг билан юрагим пайванд,
Мендан йироқ кетма, эй, санам.

Ким ўзарга, келгин, учайлик,
Чанғичининг кўп кучи бордир.
Чин юракдан биз онт ичайлик,
Ғолибига ўпичи бордир.

Қўлла, қалбим, ғолиб чиқ, чанғим,
Айри йўлда қайрилиб қолмай.
Воҳ-воҳ, яна зап чиқиб чангим,
Ёргинамдан айрилиб қолмай.

Чанғи, чанғи, чанғижон, чанам,
Англа, кўнглим, суюкли санам!

1984

ДУНЁ ГУЗАЛ

Субҳидамда дил тортади
 тароватли тоғ дараси,
Ақлимни ром этди тонгда
 элимнинг бир кўз қораси.
Йўллариға қуёш тўкмиш
 нурларини ишқим мисол,
Ёғду оқди кўзларимдан,—
 бу — қалбимнинг шарораси.
Рози бўлмам саробларға,
 ҳиссиз олам кимға керак.
Алдаб кетмас ошиқ кўнгил,
 мен ишқининг овораси.
Гўзал дунё севги бирлан,
 Нарзий куйлар ҳақиқатни,
Айтинг, ахир, ул осмонми,
 гар бўлмаса сайёраси!

1985

ИШҚ ОТАШИ

Сездим севгим ҳароратин оташда ҳам,
Севги бахтин ардоқлагум кўз-қошда ҳам.
Субҳидамда кутиб танҳо боғлар аро,
Гул саралаб шабнам кўрдим кўз ёшда ҳам.
Богни қўйиб, саҳро кездим васлинг излаб,
Ёр дарагин тополмадим тоғ-тошда ҳам.
Ишқ оташи юрагимни кул-кул қилур,
Бўлмас бунча ўт-аланға қуёшда ҳам.

Ошиқ кўнгил оқ тонгларга нур улашгай,
Ишқ қирови қолди мангу оқ бошда ҳам.

Севгинг, Нарзий, умринг йўлин равшан айлар,
Ишқ қаримас, дил навқирон юз ёшда ҳам.

1986

БИР БОР ҚЕЛАДИ БАҲОР

Боғлар гуллайди бир бор,
Бир бор келади баҳор.
Сен — умримнинг баҳори,
Сен қайдасан, эй дилдор?!

Тонг наҳори бўлиб кел,
Ишқ баҳори бўлиб кел.
Меҳмон эмас, мезбон бўл,
Қалб гулзори бўлиб кел.

Ўқтин-ўқтин кутарман,
Сенга ғазал битарман.
Юрагимни боғ айлаб,
Қўлларингга тутарман.

Сен қуёшим, ойим бўл,
Манзилим бўл, жойим бўл.
Муҳаббатим ҳурмати
Енимда бўл, доим бўл!

1985

СЕВГИНГДАНДИР СУРУРИМ

Тоққа чиқсанг, жонона,
Дўланаси — сеники.
Жон куйдирсанг мардона,
Жононаси — сеники.

Лаб очар тонгда ғунча
Нурли ҳаёт ишқида,
Олар тонгдан суюнчи,
Нишонаси — сеники.

Ёмон кўздан асрагай
Бисотин денгиз, уммон,
Ғаввос бўлсанг марварид,
Дурдонаси — сеники.

Шабнамга юв юзларинг,
Сабога севгинг сўйла,
Аҳду вафо, садоқат,—
Паймонаси — сеники.

Ишқда кетмас баҳона,
Муаллими вафодир,
Эшигин оч дил билан,
Остонаси — сеники.

Ёрга ишқим ҳавола,
Севгингдандир сурурим,
Юракдан куйлар Нарзий,
Таронаси — сеники!

1985

КУНИМ ҚОЛДИ МУҲАББАТГА

Муҳаббатга кун қолди.
Узинг қўлла, муҳаббат,
Йўлида кўзим толди,
Узинг йўлла, муҳаббат,
Висол, ҳижрон ёнма-ён,
Узинг танла, муҳаббат,
Иқболимни излайман,
Топай сан-ла, муҳаббат!
Ёронлар-ей, ёронлар,
Эшитмадим деманглар!

Дарёлар сувларини
Баҳорлар тоширади,
Узанидан чиқариб,
Ҳаддидан оширади,
Телба қилиқлари бор
Жон борки — шоширади,
Сирин айтиб ошкора,
Айбини яширади.
Ёронлар-ей, ёронлар,
Эшитмадим деманглар!

Муҳаббат кўзи наҳот
Кўр экан, сўқир экан,
Ҳар ким ҳам ишқ ҳақида
Билганин тўқир экан,
Ишқ дарсини ошиқлар
Билганча ўқир экан.
Калхат бўлиб айрилиқ
Васл кўзин чўқир экан.
Ёронлар-ей, ёронлар,
Эшитмадим деманглар!

Ишқ оташи балодир,—
Дилу жонни куйдирар,
Ғарибми ёки гадо,
Шоҳу хонни куйдирар,
У ёшни ҳам тан олмас,—
Қари демас, ёш демас,
Ишқ ғазаби кўп даҳшат,
Жон жаҳонни куйдирар!
Ёронлар-ей, ёронлар,
Эшитмадим деманглар!

1986

НАВРЎЗ НАВОСИ

Субҳидамда севги сурури,
Қанот ёзмиш ўлкамда баҳор.
Юракларда ёшлик гурури,
Туйғумиздай биллурий наҳор.

Кел, марҳабо, сулув сарвиноз,
Гулбаҳорим, ҳаёт ошиғи.
Ишқдан сўйлар, баҳор ёниб роз,
Ишқ қўшиғи — ҳаёт қўшиғи.

Нурда ўйнар зумрад япроқлар,
Яшил олам бахтин олқишлар.
Висол бўлиб чақнар чироқлар,
Ярашади ўтли боқишлар.

Гул-лолалар қалблар кулгуси,
Тебранади майин майсалар.
Шалолалар тоғлар туйғуси,
Шукуҳидан кўнглим юксалар.

Камалакдай товланар ранглар,
Таралади қуёш зиёси.
Самоларда кезар оҳанглар,
Ҳаёт ишқи — наврўз навоси.

1979

ҚАЛБИМДА ҚУЁШ

Байрам бугун, гулгун Май,
Дилда қўшиқ жўровоз.
Айтинг, нечун қувонмай,
Йўлимда қуёш пешвоз.

Н а қ о р а т:

Қўнгил ёшдир, бир баҳор,
Қариликка ҳушим йўқ.
Тингла қалбим, гулрухсор,
Кексаликка ишим йўқ!

Ажин кўриб юзимда,
Зинҳор чекманг надомат.
Қуёш чақнар кўзимда,
Қалбда сўнмас муҳаббат!

Н а қ о р а т:

Яхшиликка мен элчи,
Юрак мисли кабутар.
Дўстлар, беринг суюнчи,
Бахт келтирар тонготар!

Н а қ о р а т:

Қўнгил ёшдир, бир баҳор,
Қариликка ҳушим йўқ.
Тингла қалбим, гулрухсор,
Кексаликка ишим йўқ!

1986

МУҲАББАТ МУЛКИ

(Она алласи)

Қалб боғимда гул-лолам менинг,
Меҳрим мулки — Зилолам менинг.

Кўзим нури, қалбимнинг қўри,
Кўкда қулган ҳилолам менинг.

Шўх қулгиндан уйғонсин дунё,
Тоғдан тушган шалолам менинг.

Тонг юлдузим, жону жаҳоним,
Жонга пайваст жон болам менинг.

Сен — асалим, ширин забоним,
Болга тўла пиёлам менинг.

Ширмон ёпсам тандирда ҳар кун,
Асли пишиқ зуволам менинг.

Муҳаббатим, ёдгорим, изим,—
Дил видоси — ҳаволам менинг.

Фуруримсан, наслу насибам,
Боқий умрим — сулолам менинг!

Қалб боғимда гул-лолам менинг,
Меҳрим мулки — Зилолам менинг.

1984

ДУСТ-ЁРИДАН МАЪЛУМ

Куннинг кулиши наҳоридан маълум,
Йилнинг келиши баҳоридан маълум.

Севги сурурини куйласа икки дил,
Юракдан чертган дуторидан маълум.

Оби-ҳавони табиатдан сўранг,
Нархи-наво дунё бозоридан маълум.

Йиллар, асрлар имтиҳонлар олур,
Бинолар умри меъморидан маълум.

Ноёб бойликдир соғлиқ, омонлик,
Дарднинг кетиши беморидан маълум.

Уйидан мамнун, шод чиқса йигит гар,
Ҳовли бекаси — дилдоридан маълум.

Вафо хонасин қулатса хиёнат,
Куйган юракнинг дил зоридан маълум.

Эл дилин, меҳрин билмоқ фарзу қарздир,
Ерда томир отган чиноридан маълум.

Ҳофиз куйласа юрагини қўшиб,
Эл севган қўшиқ, ашъоридан маълум.

Дўстга содиқ бўл, эъзозла вафони,
Нарзий, чин инсон дўст-ёридан маълум.

1984

ҲАР ДИЛНИНГ БИР БАҲОРИ БОР

Ҳар элнинг бир диёри бордир,
Ҳар йилнинг бир баҳори бордир,
Ошиқ дилнинг ишқидир азиз,
Ҳар дилнинг бир ~~дилдори~~ бордир.

Гул диёрнинг жамоли яхши,
Гулбаҳорнинг шамоли яхши.
Севги билан ҳаёт гўзалдир,
Севишганлар висоли яхши!

Уйки борки — оstonаси бор,
Чироқ борки — парвонаси бор.
Лафзи билан тирикдир инсон,
Юрак борки — паймонаси бор.

Содиқ бўлса жуфти ҳалоли,
Кулиб боқар ёрига толе.
Ким хўрласа севгисин магар,
Тутар уни севги уволи.

Ғазалимнинг қаноти сенсан,
Гул ҳаётим баёти сенсан.
Нарзий қуйлар меҳру вафони,
Муҳаббатим дастхати сенсан!

Ҳар элнинг бир диёри бордир,
Ҳар йилнинг бир баҳори бордир.
Ошиқ дилнинг ишқидир азиз,
Ҳар дилнинг бир дилдори бордир!

1984

ҚАЛБИМ АРМОНДА ҚОЛДИ

Қайга кетди юлдузим,
Кўзим осмонда қолди.
Ёниб ахтарар кўзим,
Қалбим армонда қолди.

Булутдай келди фироқ,
Ним хира тортди чироқ,
Дилни нимталар сўроқ,
Висол ҳижронда қолди.

Усиз тордир бу дунё,
Ташласайди бир қиё,
Мени айлаб маҳлиё,
Ёрим қаёнда қолди.

Тун кетару тонг отар,
Ишқ юракни уйғотар,
Шафақ гулдаста тутар,
Севгим жононда қолди.

Усиз тонглар отмагай,
Умид бўлиб кутмагай,
Қалб газалин битмагай,
Хаёл ҳарёнда қолди.

Қайга кетди юлдузим,
Кўзим осмонда қолди.
Ёниб ахтарар кўзим,
Қалбим армонда қолди.

1986

ЧАМАН АЙЛАБ КЕЛ

Дилим боғин, дилдор, чаман айлаб кел,
Илдиз отиб, пойдор маскан айлаб кел.

Қуёш кулгусидан кўчирдим ёғду,
Умр йўлларини равшан айлаб кел.

Ҳаёт пойгасида голиб чиқмоққа
Барчин, бойчиборим саман айлаб кел.

Хиёнат, ҳижроннинг уйига ўт қўй,
Висол фаслларин гулшан айлаб кел.

Кўп мушкул чиқмоқлик вафо тахтига,
Садоқат кўшиқда жон-тан айлаб кел.

Нарзий дер, ошиқлик — кўнгилнинг мулки,
Кўзда қол, гавҳарин ватан айлаб кел.
1984

УЙНАДИ

Қўлимда тор ўйнади.
Ёнимда ёр ўйнади

Оқ тонг туйғуси билан,
Шафақ кулгуси билан.
Қуёш ёғдуси билан,—
Чўққида қор ўйнади.

Осмон кўрки — ҳилолим,
Ишқи билан хаёлим,
Тутқич бермай висолим,
Ҳижронда зор ўйнади.

Рақсига жони нисор,
Меҳрини айлаб изҳор.
Қарашма бирла нигор,
Ишқда иқроп ўйнади.

Ял-ял ёнди камалак,
Япроқлар чалди қарсак,
Қинидан чиқди юрак,—
Бағримда бор ўйнади.

Мастона ошиқ кўзлар,
Оламга ишқдан сўзлар,
Рақсга тушди юлдузлар,
Самода дор ўйнади!

Қўлимда тор ўйнади,
Ёнимда ёр ўйнади...

1985

ИШҚИНГГА ТОЛЕ ТИЛАЙ

Севиб қолдим, айт, жоним, не қилойин мен.
Сўйла сен ҳам кўнглинг розин, биллойин мен.

Зар зулфингга олтин қуёш ошифтадир,
Кокилингга гул шодасин улойин мен.

Субҳидамда боғлар аро бўй таратиб,
Шамол бўлиб сочларингни силойин мен.

Ердан сакраб, фалак ичра кўк тоқига,
Бошингдаги оқ дуррани илойин мен.

Чақмоқ бўлиб муҳаббатнинг осмонида,
Ҳижрон тунин пора-пора тилойин мен.

Йўлларингда поёндоздир туйғуларим.
Бошинг узра гулу нурни элойин мен.

Кўз тегмасин кўркам қадди камолингга,
Ишқимизга зафар, толе тилойин мен.

Табассум қил, кулгу улаш, эй, сарвиноз,
Васлинг кўриб офтоб мисол кулойин мен.

1985

ҒАЗАЛИМСАН, ҒЎЗАЛИМ

Кулиб-кулиб, зулфинг ўйнаб, ёр этдинг,
Лаҳза-лаҳза соғинтириб, зор этдинг.
Бир кўришга кенг оламини тор этдинг,
Учма, кўнглим, йилтираган саробга,
Қўлни чўзма билмай аччиқ шаробга.

Шўх кулгингдан шафақ ёнар, тонг отар,
Қуёш нури табассуминг тарқатар.
Сени кўрса юрак ғамни тарк этар,
Рашк этарман сени ўпган шамолдан,
Ёр, бенасиб этма ширин висолдан.

Гул умримнинг сен беҳазон фаслисан,
Ошиқ қалбим таронаси — васфисан,
Муҳаббатим гултожиси — васлисан,
Назокатдан сабоқ берар рухсоринг,
Йўлларингга зор-интизор хушторинг.

Кундуз офтоб, оқшомлар Ой ҳавасда,
Сайёралар тутар мамнун гулдаста,
Ишқимизга юрагимиз пайваста,
Нарзий қалбин тингла арзин, гўзалим!
Сен — висолим, сен — иқболим, ғазалим!

1984

ЛАТОФАТ МУЛКИ

Дилбарим, тингла, қалбим розини,—
Интизор дилим қўшиқ, созини.

Латофат мулки — ҳусни, камоли,
Борлиқ ёқтирар ёр овозини.

Атиргул бўйи айламиш сархуш,
Рашки — тиканмиш, билинг «нози»ни.

Осмонда офтоб, ою юлдузлар
Йўқлар ўртаниб шўх парвозини.

Гавҳар ул кўзда, ишқи — бир қуёш,
Аста варақланг қалб баёзини.

1983

СЕВГИМНИ СЕГОҲ АЙЛАДИНГ

Ишқ элчиси — нигоҳ эмасму,
Ошиқликка гувоҳ эмасму.

Бир юракка сифар бир севги,
Узга севги гуноҳ эмасму.

Садоқату вафо зўр бойлик,
Кўнгил улуғ даргоҳ эмасму.

Ишқни бадном айлар хиёнат,
Таназзулдан огоҳ эмасму.

Кўзни, ишқни асранг, ошиқлар,
Қиприк кўзга паноҳ эмасму.

Севги асли куй, қўшиқ демак,
«Чўли ироқ», «Сегоҳ» эмасму.

Кўзлар, диллар туташган маҳал,
Ҳаёт муҳри — никоҳ эмасму.

Ишқ элчиси — нигоҳ эмасму,
Ошиқликка гувоҳ эмасму?!

1985

ОСМОН МАЛИҚАСИ

Сиз муҳаббат қизидирсиз, Муборак,
Муҳаббатнинг ўзидирсиз, Муборак!

Ҳаммага ҳам насиб этмас учмоқлик,
Еру кўкни қучоқ очиб қучмоқлик,
Юлдузларни кафтда ушлаб сочмоқлик
Эзгуликнинг изидирсиз, Муборак!

Нурли қалам пок қалбимнинг, созидир,
Йўловчилар сиздан мамнун — розидир,
Мисраларим юрагимнинг розидир,
Қўшиғимнинг сўзидирсиз, Муборак!

Қуёш кўрсин кўзингизда зиёни,
Ўргансинлар сиздан иффат, ҳаёни,
Таълим олсин содиқликни, вафони,
Ошиқ кўнглим кўзидирсиз, Муборак!

Кўкда туриб сизга толе тилагим,
Сиз келсангиз, нурга тўлар йўлагим,
Ўз ишқини ҳадя этар юрагим.
Ўзбекистон қизидирсиз, Муборак!

Муҳаббатнинг ўзидирсиз, Муборак,
Сиз муҳаббат қизидирсиз, Муборак!

1983

ЁРНИНГ ЗУЛФИ

Не қилай, хато қилдим,
Узимга жафо қилдим.
Кўзим мени алдади,
Индамай нидо қилдим.

Нидом садосиз қолди,
Қалбим навосиз қолди.
Умидим саробмиди,
Кўкда зебосиз қолдим.

Қўлимда дутор бўлсин,
Ёнда Зулхумор бўлсин,
Бевафолик қилсам гар,
Зулфи менга дор бўлсин!

Зулфини аста силай,
Ҳуснига омад тилай.
Кўнмаса, ёр, шартимга
Дорига мен осилай!

1985

МЕНИНГ ҚУЕШИМ!

Қалбимнинг қони бирлан
битдим, гўзал, газалим,
Битта танда бир жон бор,
жонимга жондош қўяй.

Туннинг ўзи симсиё,
қоралиги етмасми,
Қора кўзлар устига
нечун қошга қош қўяй.

Осмонда ой рашк этсин
ҳуснию жамолингга,
Кўкдан олиб кундузи
қуёшни ёндош қўяй.

Гулнинг юзида шабнам,—
тонгнинг тиниқлигидир,
Нечун, айтгил, кўзингга
шабнам ичра ёш қўяй.

Майли менга Офтобой,
ёки бўлгин Юлдузхон,
Шамсиқамар бўлгин, ё
номингни Қуёш қўяй.

Бағритошлик бир бало,
тошбағир бўлма, дилдор,
Тоғнинг тоши етарли,
нега тошга тош қўяй.

Ошиқ Нарзий кетмасин
бу оламдан ноумид,
Рози бўлгин, маликам,
мен тизангга бош қўяй!

1985

ОШИҚЛАР АДРЕСИ

(Айтишув)

ИГИТ:

— Унг кўзингиз қайси?
Чап кўзингиз қайси?
Излаб бориб тополмадим
Адресингиз қайси?¹

ҚИЗ:

— Унг кўзимни нима қиласиз,
Чап кўзимни нима қиласиз?
Излаб бориб тополмайсиз,
Адресимни нима қиласиз?

ИГИТ:

— Ул адресда кишим бордир,
Ул кишида ишим бордир.
Гар айтсангиз суюнчига
Кафтимда кишмишим бордир.

ҚИЗ:

— Менинг бундай кишим йўқдир.
Ул кишида ишим йўқдир.
Адресидан нима фойда,
Кишмишга ҳеч ҳушим йўқдир.

ИГИТ:

— Юмуш асли бир баҳона,
Кишмиш асли бир баҳона.
Ростин айтсам ул адресда
Яшар бизнинг ёр-жонона.

¹ Ўзбек халқ қўшиқларидан (муаллиф изоҳи).

ҚИЗ:

— Баҳонангиз насиб этсин,
Жононингиз насиб этсин.
Тезроқ топинг адресини,
Паймонингиз насиб этсин.

ИИГИТ:

— Унг кўзини кўриб турибман,
Чап кўзини кўриб турибман.
Нигоҳлар гавҳарида
Адресини кўриб турибман.

ҚИЗ:

— Унг кўзида муҳри борми?
Чап кўзида меҳри борми?
Сиз бунчалик шайдо бўбсиз,
Адресида сеҳри борми?

ИИГИТ:

— Чап кўзим ҳам сиз ўзингиз,
Унг кўзим, ҳам сиз ўзингиз.
Қилманг мени кўп овора,
Адресим ҳам сиз ўзингиз.

ҚИЗ:

— Унг кўзингдан ўргулай.

ИИГИТ :

— Чап кўзингдан ўргулай,

ҚИЗ ВА ИИГИТ:

— Адресимни топиб берган
Ер, ўзингдан ўргулай!

1984

СЕНГА ТАЛПИНАМАН

Ложувард осмон юлдузим, дейди,
Зумрад япроқлар илдизим, дейди.
Еруғ бу олам кундузим, дейди,
Мен сенга талпинаман,
Ишқингда, ёр, ёнаман!

Қуёш зиёси муҳаббатидир,
Ернинг вафоси саодатидир,
Юрак садоси садоқатидир,
Мен сенга талпинаман,
Ишқингда, ёр, ёнаман!

Ишқ бўлиб учдим фазоларга мен,
Севгимдан сўйлаб саболарга мен,
Сени алишмам дунёларга мен,
Мен сенга талпинаман,
Ишқингда, ёр, ёнаман!

Боқий борлиқнинг бокирасисан,
Бахтли ҳаётнинг хотирасисан,
Пок ишқ, садоқат асирасисан,
Мен сенга талпинаман,
Ишқингда, ёр, ёнаман!

1986

ИЗЛАЙМАН

Мен ишқимни саболардан излайман,
Юрагимни наволардан излайман.

Қуёш каби талпинарман ишқ сари,
Офтоб меҳрин зиёлардан излайман.

Аксу садо юракларда жўр овоз,—
Борлигини садолардан излайман.

Ҳаёт ўлмас яшар экан муҳаббат,
Садоқатни вафолардан излайман.

Дил мулкидир иффат азал дунёда,
Латофатни ҳаёлардан излайман.

Ақлу шуур сотиларми бозорда,
Ҳикматни мен донолардан излайман.

Сайёралар бизга келсин таъзимга,
Назокатни Зуҳролардан излайман!

1986

Душанбе.

БИЛИНТИРАР

Согинганимни, дилдор,
 сўзларим билинтирар,
Йўлларингда зорлигим,
 кўзларим билинтирар.
Ошкор бўлгай ишқ сирим,
 яширсам ҳам дилимда,
Изтиробда ёнганим
 юзларим билинтирар.
Тонг орттириб чиқарман
 васлингни ўйлаб-ўйлаб,

Кўчангдаги серқатнов
изларим билинтирар.
Ишққа айлаб хиёнат,
поймол этма остонам,
Дастурхоним пок ҳалол,
тузларим билинтирар.
Нарзий, етказ навода
ёрга садоқатимни,
Қўшиқ бўлган юрагим
ҳисларим билинтирар.

1986

ХУШТОР АЙЛАДИНГ

Сен ўзингни дилдор айладинг,
Ошиқ қалбин ночор айладинг.

{ Бир қарашу хуш табассум-ла
Мен шўрликни хуштор айладинг.

Иўлларингда кўзларим қолди,
Висолингга хумор айладинг.

Ишонмайман, бепарво, наҳот,
Умидларим бекор айладинг.

{ Севги дарди экан бераҳм,
Тунларимни бедор айладинг.

Висол тонггин оттир, эй санам,
Шайдо дилим зор-зор айладинг.

Кутишларим кетмас бенишон,
Ишқинг, қалбинг нисор айладинг.

Қалб нидосин тингла Нарзийнинг,
Қўш юракни қўш тор айладинг!

1986

УЙНАБ КЕЛАР ОЛМАЛАР

Тошқин-тошқин сой бўлса,
Осмон узра ой кулса,
Хилват гўша — жой бўлса,
Сен бўлсангу мен бўлсам,
Мен бўлсаму, сен бўлсанг!

Сойда тўлқин юмалар,
Уйнаб келар олмалар,
Битилмаган номалар,
Сен бўлсангу, мен бўлсам,
Мен бўлсаму, сен бўлсанг!

Жўр бўла қол куйимга,
Осмон тушсин ўйинга,
Жоним садқа бўйинга,
Сен бўлсангу, мен бўлсам,
Мен бўлсаму, сен бўлсанг!

Табиат гўзал, ўктам,
Умримиз сўнмас, кўклам,
Бахтимиз бекам, эркам,
Сен бўлсангу, мен бўлсам,
Мен бўлсаму, сен бўлсанг!

1986

МУЛКИ ИШҚ ДУНЕСИДА

Мулки ишқ дунёсида
дунём менинг,
Умрим боғин танҳо гули —
раъном менинг.
Ҳижрон ҳеч бир дўст бўлганми
шайдо дилга,
Алёр айтсам ёр васлида
маъвом менинг.
Йўқлаб-йўқлаб азиз ёрин
топур хуштор,
Ёлвортитарар ўз ишқида
зебом менинг.
Гул бўлмаса, булбул қайда,
нола қайда?—
Ашуламнинг авж пардаси —
навом менинг.
Аста силаб гул япроғин
боғим аро,
Тонг саҳарда қалбим чертган
сабом менинг.
Армон бўлиб қолма, висол,
қалб тўрида,
Дунё кезсам, ишқ аҳлига
нидом менинг.
Ишқ қалами ёзмиш ғазал,
Нарзий, гувоҳ,
Муҳаббатим алифбоси —
имлом менинг!

1986

ТОНГДА ЭСГАН САБОДИРМАН...

Тонгда эсган сабодирман, меҳмон кутиб
Тордан чиққан садодирман, меҳмон кутиб.

Меҳмон, дерлар Шарқда, улуғ отангдан ҳам,
Дўст йўлига зиёдирман, меҳмон кутиб.

Меҳмон келса ризқи келур эшик ҳатлаб,
Остонада садодирман, меҳмон кутиб.

Не миллат бор, не халқ, элат-бағрим очиқ,
Қувноқ, уйгоқ дарёдирман, меҳмон кутиб.

Танисиҳат, хотиржамлик — эл давлати,
Дунё ичра дунёдирман, меҳмон кутиб.

Ошиқларга кўнглим совчи, элчи ўзим,
Меҳр, вафога ошнодирман, меҳмон кутиб.

Ўзбекнинг бир танти ўғли Нарзий куйлар,
Бу умримдан ризодирман, меҳмон кутиб.

1985

БАХТИЁР ЭТДИНГ

Азизинг ёринг кўришга бир ихтиёр этдинг,
Ширин ташриф ила, дилдор, бахтиёр этдинг.

Ҳижрон ўти ёндирадди қалбим, бурдалаб,
Бир қарашда шубҳаларим тору мор этдинг.

Бир мен эмас муҳаббатнинг асири, эркам,
Ошиқ зотин не балога гирифтор этдинг.

Дерлар: кўнгил талпинармиш кўнгилга мудом,
Ерга етмоқ саодатин умидвор этдинг.

Севишимни билсанг ҳамки, жайрон кўзлим,
Йўлларингга мўлтиратиб, интизор этдинг.

Қуёш танҳо, ой ягона севгимиз мисол,
Ишқ фаслини боғим аро гулбаҳор этдинг.

Сен — давримнинг лобар қизи, бахтли фарзанди,
Эл меҳрини дилга боғлаб, қўшчинор этдинг.

Висол тонгги отгай кулиб толе кўкида,
Нарзий каби толеингдан ифтихор этдинг.

1985

ЁДИМДА

Шафақ бўлиб, наҳор бўлиб келдинг, сен,
Қўшиқ бўлиб, дутор бўлиб келдинг сен,
Ҳаёт бўлиб, баҳор бўлиб келдинг сен,
Чаккангга гул тақишларинг ёдимда.

Қуёш бўлиб, зиё бўлиб кулдинг, ёр,
Боғим ичра сабо бўлиб келдинг, ёр,
Юрагимни бир қарашда билдинг, ёр,
Ишқ ўтида ёқишларинг ёдимда.

Гул изларинг ювмиш шудринг эрталаб,
Менга атаб гуллар тердинг дасталаб,
Ҳидлаб қўйдинг гулларингга аста лаб,
Гулдай ёниб боқишларинг ёдимда.

Тўли оғим, кўк ҳилолим, қайдасан,
Ишқ ҳижрони, бол висолим, қайдасан,
Муҳаббатим, бахт-иқболим, қайдасан,
Эркаланиб ёқишларинг ёдимда.

1985

ДУСТЛАР СЎРАБ КЕЛСАЛАР

Кўкка етгай бу бошим,
Дўстлар сўраб келсалар.
Кўзларда қалқар ёшим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Бу ҳаётда топганим,
Орттирганим сиз, дўстлар
Балқар ою, қуёшим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Дўстлар билан ҳамиша
Боримни кўрдим баҳам.
Заҳар эмас, бол ошим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Елғизлик балосини
Ким ҳам эгарди ҳавас,
Интизор киприк, қошим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Осмондан ёғилмагай
Емғир мисол омад ҳам,
Билар буни бардошим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Кимлигингни айтсинлар
Меҳнату одобингдан,
Азизам, қаламқошим,
Дўстлар сўраб келсалар.

Ҳалоллик ва инсоф деб,
Утсин ҳаётинг, Нарзий,
Эгилгай дўстга бошим,
Дўстлар сўраб келсалар.

1985

ШАРАФЛАРГА БУРҚАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

(Вокаль-хореографик сюита)

МУҚАДДИМА

Сени улуғлайман, эй, она халқим,
Советлар юртининг гражданиман!
Ватан туйғусидан пурвиқор қалбим,
Бахтиёр Инсонман, пок виждониман!

Ленин башорати, Инқилоб нури
Келтирди элимга шодёна, байрам.
Тингла, қўшиқларим, бахшида умрим,
Жоним Ўзбекистон, қуёшли ўлкам!

ҚАЛБИ ҚУЁШЛАР

(Хор)

Салом, қардошлар, қалби қуёшлар,
Беринг қўлга қўл, дадил, марҳабо!
Истиқбол сари бизларни бошлар
Буюк партия — доно, раҳнамо!

Тинчликдир мангу ҳаёт асоси,
Дўстлик туфайли эллар бахтиёр.
Шонли Ватаним йўқдир қиёси,
Чароғон йўллар, бағри чаманзор!

ҚАЛБИМ ГУЛЮЗНИ ИЗЛАР...

(Айтишув)

ЙИГИТЛАР:

Уфқлар алвон-алвон,
Кўзлар олисни кўзлар.
Дилимда бор бир армон,—
Қалбим гулюзни излар!

ҚИЗЛАР:

Сочларим ўрим-ўрим,
Ел ўйнар кокилимни.
Оқ пахта — оқ биллурим,
Кўз-кўзлай ҳосилимни.

ЙИГИТЛАР:

Пешонамни силаган
Замонамдан ўргулай!
Толемни тилаган
Жононамдан ўргулай!

ҚИЗЛАР:

Учқур экан, чавандоз,
Пўлат от — тулпорингиз.
Ёнингизда сарвиноз,—
Кўрмайсиз дилдорингиз.

ИГИТЛАР:

**Лафзим ҳалол, чин, лобар,
Сина садоқатимни!**

ҚИЗЛАР:

**Меҳнатдан топдим зафар,
Топдим муҳаббатимни.**

ИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР:

**Сина садоқатимни,
Топдим муҳаббатимни!**

ХОТИМА

**Шарафимиз, шонимиз,
Номусимиз, партия!
Ақлимиз, виждонимиз,
Қомусимиз, партия!**

**Тинчлигимиз таянчи,
Қувончимиз, партия!
Йўлчи юлдуз, йўлбошчи,
Илҳомчимиз, партия!**

1982

ТОНГ ЧЎЛПОНИ

Қизлархон Дўстмуҳамедовага

Ҳар бир элнинг ўз мулки бор,
 жон жаҳони бор,
Оқ саҳарлар даракчаси —
 тонг чўлпони бор,
Диёри бор, санъати бор —
 соф виждони бор,
Рақс оламин маликаси —
 Қизлархони бор.
Шакарстон ўлкасининг
 бол-асали-у,
Муҳаббатнинг сардафтари —
 шўх ғазали — у,
Ўзбекистон бахтли қизи —
 ҳур гўзали — у.
Шухратида бахти аён
 гулистони бор!
Назокату ҳаёсига
 жонлар садаға,
Нозик хулқу адосига
 жонлар садаға,
Рақс бобида имлосига
 жонлар садаға,
Асрларга номаси бор,
 куй, достони бор!
Сор лочинлар парвозини
 самодан сўранг,
Тўлқин мавжин, овозини
 дарёдан сўранг,
Севишганлар қалб созини
 дунёдан сўранг,
Наво ўлмас Нарзий каби
 ғазалхони бор!

1986

156

ДИЛДОР САБАБ

Шафақ кулса ял-ял ёниб, наҳор сабаб,
Яшилликка бурканса юрт, баҳор сабаб.

Ёт ўлкадан изламадим бахтимни мен,
Толемидан тонглар отар, диёр сабаб.

Яхшилар бор, дунё гўзал, умр ширин,
Дўстлик кўшки бўлса обод, дўст-ёр сабаб,

Меҳру вафо, садоқатга маҳтал олам,
Ҳаёт ишқи кўчса қалбга, «ёр-ёр» сабаб.

Ишқ ҳажрида куйса агар ошиқ юрак,
Висол фаслин гулзорида, дийдор сабаб.

Дил дардини дил англаса наво янглиғ,—
Хуштор диллар таржимони — дутор сабаб.

Ғазалхон эл булбулни ҳам лол қолдирур,
Нарзий кўнгли жаҳон кезса, ашъор сабаб.

1986



МУХАББАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БУЛУРМИ?¹

ДИЁРИМНИ СОҒИНГАНМАН

Куйла, торим, диёримни соғиндим мен,
Чаманзорим, баҳоримни соғиндим мен.

Киндик қони тўкилган ер қутлуғ, азиз,
Бахт улашган наҳоримни соғиндим мен.

Йўлларимга кўзлари тўрт, зор-интизор,
Онажоним-мадоримни соғиндим мен.

Муҳаббатим, садоқатим сирли рамзи,—
Уйда қолган дуторимни соғиндим мен.

Ўзбекистон — қуёшли юрт, бахтиёр эл,
Кўкни ўпган чиноримни соғиндим мен.

¹ Совет-афғон халқлари бузилмас дўстлигини тараққий этувчи «Ўзилган торлар» музыкали драмасининг қўшиқлар тексти ушбу сатрлар муаллифи қаламига мансуб бўлиб, китобхонлар ҳукмига илк марта ҳавола этилмоқда (Муаллиф изоҳи).

КЕЧИР, ЖОНИМ...

Кечир, жоним, кечиргил,
Мен ўзингга хушторман.
Ҳаловатим йўқ менинг,
Хумор кўзингга борман.

Ота-онам розилар,
Ризодир ошиқ қалбим,
Олиб кетай юртимга,
Мен изингга хуморман.

Ирғит бошдан чимматни,
Қора булутни ҳайда.
Кўра олмай рухсоринг,
Гулдек юзингга зорман.

Ишқингда ёниб куйдим,
Қалб сўзим қабул айла,
Кўнсанг агар шартимга,
Бир умр бахтиёрман.

БУЗМАНГ, ТИНЧИМ, ОРОМИМНИ

Бузманг тинчим, оромимни,
Таҳқирланган қиз номимни
Ўтга ташлаб ёш жонимни,
Бу — исноддир, уят, гуноҳ.

Асранг номус, диёнатдан,
Сақланг мени маломатдан,
Қўрқинг, ахир, шариятдан,
Тақдир танҳо, удир гувоҳ.

Ога, хуштор озми, дерман,
Мен қўлдаги тасбеҳдирман,
Мен бировнинг хасмидирман,
Мени кутар ўзга даргоҳ.

СЕН — БАХТИМСАН, ҲАЁТИМСАН

- Сен бахтимсан, ҳаётимсан!
- Йўқ, йўқ, қиймаланг мени!
- Парвоз қилсам, қанотимсан!
- Йўқ, йўқ, қийнаманг мени!
- Сен қалбимда оташдирсан!
- Йўқ, йўқ, азобга қўйманг!
- Юрагимга туташдирсан!
- Қалбимга оғу қуйманг!
- Сен — умримнинг лоласисан,
- Дилгинам эзманг, оға!
- Сен қўшигим нолазисан!
- Тинчимни бузманг, оға!

ҲАЁТ ГУЛИ

Ҳаёт гули — инсон, дерлар,
Уз умрига боғбон, дерлар.

Насиб этсин ўз ишқингиз,
У кўнгилга нишон, дерлар.

Тушманг шайтоннинг қўлига,
Йўлдан урар, шайтон, дерлар.

Маломатнинг тоши ёмон,
Тегса юрак вайрон, дерлар.

Кечирмагай мени ишқим,
Қалбда ишқни армон, дерлар.

МУҲАББАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БЎЛУРМИ

Муҳаббатнинг, эй, дўстлар,
Чегараси бўлурми,
Ишққа дучор юракнинг
Ҳеч чораси бўлурми.

Нима айб бор севгида,—
Удир кўнгилнинг мулки,
Шоҳу гадо бир ишқда,
Бечораси бўлурми.

Урф-одатлар эскирмиш,
Яшаш даркор бўлакча,
Янги ҳаётга элтар
Йўл сараси бўлурми.

Қимга керак бу уруш,
Вайроналик, ваҳшийлик,
Шундай кетса ҳаётда
Дилдораси бўлурми.

Бир юракда бир севги
Ошён қурмоғи лозим,
Узга севги керакмас,
Дард сараси бўлурми.

АИБ ЭМАСДИР

Айб эмасдир ишқим бор, десам,
Бир париваш менга ёр, десам.

Қалинига қалбим ҳавола,
Бу ширин жон, ол, нисор, десам.

Ишқ йўлида нотавон юрак,
Ишон, инграр зору-зор, десам.

Севги экан сеҳрли олам,
Тингланг, дилим мисли тор, десам.

Яшаб бўлмас ёрсиз жаҳонда,
Усиз дунё менга тор, десам.

Айб эмасдир ишқим бор, десам.
Бир париваш менга ёр, десам.

БУ НЕ САВДО

Не ажаб ҳол, бу не садо,
Жавоб айла, субҳи сабо.

Кўзларимга ишонмайман,
Қимдан қилай мен тавалло.

Игна тутган бармоқларим,
Бу қандайин менга жазо.

Дўст ишими ёки ғаним,
Қимга керак бўҳтон, иғво.

Яна қандай синов кутар,
Тилларимда мунгли наво.

Дўппи, бўлса тилинг агар,
Айла ҳисоб, бергил садо?

САРОБ БУЛАК, ЁГДУ БУЛАК

Кўзларинг оч: сароб бўлак, ёгду бўлак,
Таъмин тотгин: шароб бўлак, оғу бўлак.
Ҳаёт ўзи муаллимдир, сабоғи бор,
Дерлар: ахир, калхат бўлак, оҳу бўлак.
Учма, жоним, бўҳтонларга, иғволарга,
Ҳикмат борки: кулги бўлак, қайғу бўлак.
Бахтимизга панжа урар ёвуз кучлар,
Узинг ажрат: ҳасад бўлак, эзгу бўлак.
Елвораман, ташлаб кетма, айлаб бадном,
Яхшилаб боқ: девор бўлак, кўзгу бўлак.
Кўзларинг оч: сароб бўлак, ёгду бўлак,
Таъмин тотгин: шароб бўлак, оғу бўлак.

ТОНГДА ТУРИБ

Тинч осмонни саҳаридан билурлар,
Мард инсонни зафаридан билурлар.

Ким бол тутар, кимдир оғу дунёда,
Тутган асал, заҳаридан билурлар.

Садоқатни, ҳаё бирлан нафратни,
Чин вафодор дилбаридан билурлар.

Сахий қуёш зиё сочар оламга,
Офтоб меҳрин шароридан билурлар.

Минг ишчига бир бошчи, дер донолар,
У не қўшин сарваридан билурлар.

Юлдуз учса қайғу чўкар юракка,
Кўкка боқиб ҳулкаридан билурлар.

Бир муждага нурдай муштоқ одамзод,
Тонгда туриб хабаридан билурлар.

ДУППИ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Яхши ният, умид билан
Тикдим, дўппижон, дўппи,
Ҳар ипга кўзим нурун
Тўкдим, дўппижон, дўппи.

Ёр бошида кўриб сени
Қувнаб юрай деб,
Не изтироб, не-не озор
Чекдим, дўппижон, дўппи.

Ҳижрон ўқи поралади
Кўксимни, ёраб,
Ёр йўлига кўзларимни
Тикдим, дўппижон, дўппи.

Ўйлаб-ўйлаб ўйларимга
Етолмай доғда,
Тик қаддимни дол қилдиму —
Букладим, дўппижон, дўппи!

ПАНОҲИНГДА АСРА, ТОЛЕ!

Инсоф берсин яхши-ёмон инсонларга,
Қанот берсин эзгу ният — армонларга.

Хаёлларим паришондир, ақлим ҳайрон,
Қурбон бўлмай сохта шубҳа-гумонларга.

Ким саробга ишонибди ҳоли хароб,
Дуч келмайин йўлда бироқ нодонларга.

Ким биланман — дўстми, душман, англар,
Топширмангиз мени асло шайтонларга.
дилим,

Яхшиларнинг излари гул, бахти баланд,
Нигоҳлари қадалмишдир довонларга.

Яхшиларни паноҳингда асра, толе,
Ишонмаедан еру замин, осмонларга.

Инсоф берсин яхши-ёмон инсонларга,
Қанот берсин эзгу ният-армонларга.

СОФИНАМАН, ҚҰМСАЙМАН

Она юртим, соғинаман қучоғингни,
Кўзга суртгум тўтиё деб тупроғингни.

Парвонадек талпинаман, ўртанаман,
Тунлараро онам ёққан чироғингни.

Дунё қадар дунёга ҳам алишмасман,
Бўлса таклиф бир гардиши-увоғинни.

Дилдоримнинг қошларига қиёс этгум,
Янги чиққан кўкда ойинг — ўроғингни.

Олам кезиб тополмадим жаннат мисол
Қуёш севган камалагинг — гулбоғингни.

Она юртим, соғинаман қучоғингни,
Кўзга суртгум тўтиё деб тупроғингни.

ФАРЗАНД, ДЕРЛАР

Фарзанд, дерлар, ҳаёт гули машъали,
Фарзанд билан ҳаёт обод, нашъали.

Чароғимнинг ардоғида меҳри бор,
Кўзларимнинг қароғида қўри бор.

Изларимга қараб-қараб бўзлайман,
Дардларимни алам билан сўзлайман.

Гуноҳқорман, пушаймонман, пушаймон,
Фарзанд ишқи кўнглим аро зўр армон.

Саодатим, оналигим, кечир сен,
Оқ сут эмас, менга оғу ичир сен.

Фарзанд, дерлар, ҳаёт гули, машъали,
Фарзанд билан ҳаёт обод, нашъали!

ОШИҚДИРМАН

Зулфияхон, ошиқдирман жамолингга,
Жоним нисор кўркам қадди-ниҳолингга.

Зулфинг силаб шамол эсса, рашк этарман,
Табиат ҳам лолдир ҳусни-жамолингга.

Юрагимни тилка-тилка айлар мудом,
Қандай жавоб қилай сирли саволингга.

Назокатда ягонасан, эй гўзалим,
Акси кўчмиш бошингдаги рўмолингга.

Зеб-зийнатга ўрагайман, азиз ёрим,
Етсам агар сенинг васли — висолингга.

Кўз очдиму сени кўрдим, ўртанар дил,
Сен олмайсан лоақал бир хаёлингга.

Зулфияхон ошиқдирман жамолингга,
Жоним нисор кўркам қадди-ниҳолингга.

ХУШ ҚОЛ ЭНДИ

— Меҳрибоним, азиз ёрим,
Хуш қол энди, хуш қол энди.
Кўрар кўзим, вафодорим,
Хуш қол энди, хуш қол энди.

— Сафарингиз ойдин бўлсин,
Изингиздан гуллар унсин,
Омад келсин, зафар келсин,
Яхши боринг, яхши боринг!

— Ишқ қўлласин доим сизни,
Кўнглингизга сирдош бўлай.
— Қалбда сақлаб ўзингизни,
Йўлингизда йўлдош бўлай.

АЛВИДО

Қуёш нури — ёғдуларим,
Алвидо! Алвидо!
Қалбим мулки — эзгуларим,
Алвидо! Алвидо!

Севгим — бу эҳ саодатим, толеим,
Қалбда сўнган орзуларим.
Алвидо! Алвидо!

Ўтинчингни рад айладим, айбдорман,
Лабда қолган кулгуларим,
Алвидо! Алвидо!

Умрим борки мен содиқман севгингга,
Уммон ичра инжуларим,
Алвидо! Алвидо!

Қасос олгум, жоним бергум сен учун,
Муҳаббатим, туйғуларим,
Алвидо! Алвидо!

ҚИСМАТИМДАН КҰРАМАН

ЗУЛФИЯ:

Тақдир экан, қисматимдан кўраман
Ожизаман, қиз отимдан кўраман!
Ҳолу беҳол ўю-хаёл сураман,
Шўрлик бўлса бу пешонам, нетайин,
Айтинг, қайга, бошни олиб кетайин?

ҲАСАН:

Тақдир дея ўзни ерга урма, ёр,
Беҳудага ўю-хаёл сурма, ёр,
Севги бахтин сен ўзгага берма, ёр,
Сен яғонам, сен толеим, эй, санам,
Ўзинг, жоним, менинг учун бир олам!

ҲАЙҲОТ, ЗАМОН!

(Зулфия арияси)

Ҳайҳот, замон бунчалар нотинч,
Безовтадир ёруғ бу жаҳон.
Талвасада изғир қора куч,
Ҳаловатсиз не-не азиз жон.

Номинг ўчсин, эй қирғин уруш,
Йўқол элдан ёвуз ёмонлик,
Томир отсин чиройли турмуш,
Юртда бўлсин фақат омонлик.

Тинчлик дейди ҳар ошиқ юрак,
Овоз берар тинчликка мамнун!
Тинчлик билан обод ишқ, истак
Қачон келар ўша бахтли кун?!

1984-1985

Тошкент,



ХУШ ҚОЛИНГИЗ, ХУШБАХТ БЎЛИНГИЗ!

Азизларим, кўз қароғларим,
Қалбда ёнган ўт, чароғларим,
Ишқ китобин сал варақладим
Хуш қолингиз, хушвақт бўлингиз.
Хуш қолингиз, хушбахт бўлингиз.

Қўшиқ билан ҳаёт бахтиёр,
Қош устига қўнмасин гўбор,
Ёр, диёрга бу жоним нисор,
Хуш қолингиз, хушвақт бўлингиз.
Хуш қолингиз, хушбахт бўлингиз.

Ватанимдан оташин салом,
Йўлга чорлар сабуҳий илҳом,
Учрашайлик хоҳ эрта, хоҳ шом,
Хуш қолингиз, хушвақт бўлингиз.
Хуш қолингиз, хушбахт бўлингиз.

Тилим бормас демоққа «хайр»,
Ошиқ кўнгил истар шўх сайр,
Айтинг, бунга чидарми сабр,
Хуш қолингиз, хушвақт бўлингиз.
Хуш қолингиз, хушбахт бўлингиз.

Фахр этаман, халқим, сиз билан,
Саодатим, ишқим сиз билан
Қўшиқларим, қалбим, сиз билан,
Хуш қолингиз, хушвақт бўлингиз.
Хуш қолингиз, хушбахт бўлингиз.

1986

МУНДАРИЖА

Яхшилик деб яшайман	6
-------------------------------	---

I. БАТАН УФҚЛАРИ

Еруғ кун	8
Ватан уфқлари	10
Саодатнома	12
Жаҳон тақдири ҳақида ўйлар	13
Қуёш зарралари	16
Бободехқон билан мулоқот	18
Юрий Гагариннинг васияти	20
Павел Корчагин монологи	21
Улуғ Ватан уруши инвалиди Насрулло амаким-нинг айтганлари	23
Қўшиқ қалби	25
Едга ол!	27
Юлдуз шуъласи	28
Ҳаётнинг боши	29
Инсон гимни (Ж. Наврўздан)	31
Ашхободга ошиқлик	36
Сочи севинчлари (туркумдан)	38
Салом, Сочи!	38
Дўстлик элчилари	40
Қирғоқдан сўра	41
Менга қилдинг наззора	42
Бир олмахон қисмати ҳақида ҳикоят	43
Теран томчилар	44
Ишқимга мен демам «Алвидо!»	45
Қўлтиқ таёқлилар	46
Сен кутган умид	48
Гул баҳона	49
Денгиз париси	50
«Оқ йўл», «Ўзбекистон!»	51
Қалбим календари	53

II. МЕНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАМ

Ҳаёт қонуни	56
Менинг таянч нуқтам	57
Юрагим билан юзма-юз	58
Савол-жавоб	61
Лангар	62

Қалбнинг қулфи	63
Яхши одамлар	65
Хукм	67
Тўрт амал ҳақида	69
Фарғонада бир дўстим бор	72
«Беватан яшамоқ...»	73
Лафз	73
Дарз	74
Кўзлар бор	75
Эътироф	76
Илдиз, юлдуз, из	77
«Болаликда болалар...»	77
Олтин камалак	78
Меъёр	79
Нурдай покиза	79
Қарсақлар ва юраклар	80
Машраб монологи	82
Уч	82
Қасам : . . : . .	84
Яхшилар ёди	85
Қора марваридим	87
Менга чиннигул ҳадя этган Саодатхонга атаганим	88
Оддий ҳақиқат	90
Чинор умри	91
Одил Бухорийнинг тугилган кунин	92
Янги ой	94
Саёҳатдан қайтганда	95
Гўзаллик бир чироқдир	96
Яхшилик учқунлари	96
Суюнчи сўраб	97
Уйқусиз кеча	99
Бахтли рақамлар	100
Ишқли қалбга тошдир бегона!	101
Қиё боқар қачон малак?	102
Туюқ : : :	103
Шеър дарди	104

III. ҚУШИҚЛАРДА ЮРАГИМ

Ярашгай :	106
Тонготардан наво учар	107
Қалбим ғазали :	108

Тинчлик таронаси	109
Қайдасиз, азизларим?	110
Ўзбекистон комсомолни :	111
Ишонади она юраги :	111
Ўзбекистон — Афғонистон	113
Азиз Ватаним	114
Биз, ёшлар.. : :	115
Меҳнатимдан . . . : :	116
Қорақалпоқ қизиман	117
Нур қўйнида диёрим	118
Пиллам менинг — тиллам менинг!	121
Гул диёр фарзандиман	122
Дўст учун	123
Чанам ва санам	124
Дунё гўзал	125
Ишқ оташи	125
Бир бор келади баҳор	126
Севгингдандир сурурим	127
Куним қолди муҳаббатга	128
Наврўз навоси	130
Қалбим қуёш	131
Муҳаббат мулки (Она алласи)	132
Дўст-ёридан маълум	133
Ҳар дилнинг бир баҳори бор	134
Қалбим армонда қолди	135
Чаман айлаб кел	135
Ўйнади : :	136
Ишқингга толе тилай	137
Ғазалимсан, гўзалим	137
Латофат мулки	138
Севгимни сегоҳ айладиңг	139
Осмон маликаси	140
Ёрнинг зулфи :	141
Менинг қуёшим	142
Ошиқлар адреси	143
Сенга талпинаман	145
Излайман	146
Билинтирар . . . : :	146
Хуштор айладиңг	147
Ўйнаб келар олмалар	148
Мулки ишқ дунёсида	149
Тонгда эсган сабодирман	150
Бахтиёр этдиңг	150
Ёдимда	151

Дўстлар сўраб келсалар	152
Шарафларга буркан, Ўзбекистоним!	153
Муқаддима	153
Қалби қуёшлар	153
Қалбим гулюзни излар	154
Хотима	155
Тонг чўлпони	156
Дилдор сабаб	157

МУҲАББАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БЎЛУРМИ

(«Ўзилган торлар» спектаклидан)

Диёримни соғинганман	158
Кечир, жоним	159
Бузмамг тинчим, оромимни	159
Сен — бахтимсан, ҳаётимсан	160
Ҳаёт гули	160
Муҳаббатнинг чегараси бўлурми	160
Айб эмасдир	161
Бу не садо	162
Сароб бўлак, ёғду бўлак	162
Тонгда туриб	163
Дўппи ҳақида қўшиқ	163
Паноҳингда асра, толе!	164
Соғинаман, қўмсайман	165
Фарзанд, дерлар	165
Ошиқдирман	166
Ҳуш қол энди	167
Алвидо	167
Қисматимдан кўраман	168
Ҳайҳот, замон	169
Ҳуш қолингиз, хушвақт бўлингиз!	170

На узбекском языке

НОРМУРАД НАРЗУЛЛАЕВ

Живу для добра

Стихи, песни

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1987

Тақризчи: **Жуманиёз Жабборов**

Редактор **Шавкат Туроб**

Рассом **Д. Уразасв**

Расмлар редактори **Ҳ. Раҳматуллаев**

Техн. редактор **В. Демченко**

Қорректорлар **Ф. Заиджонова, М. Мирзарахимова**

ИБ 2060

Босмаҳонага берилди 10.03.87. Босишга рухсат этилди 28.08.1987. Р—14604. Формати 70×90¹/₃₂. № 1 босма қоғозига «Лигературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма л. 5,5. Шартли босма л. 6,43 Шартли кр. отт. 5,72. Нашр листи 5,43. Тиражи 10 000. Заказ № 5021/158. Шартнома 200—86. Баҳоси 85 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. 700113, Тошкент, Чилонзор м. 8-квартал, «Прада газетаси кўчаси. 60 уй.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмаҳонаси, 702800. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.